Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 29 ноябрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 281 (15.775). ◆ Баҳоси 2 тийин.

„АГИТАТОР“ ЖУРНАЛИГА

КПСС Марказий Комитети «Агитатор» журнали редакциясини, унинг авторлари активини ва журналхонларини журнал асосланган кунининг 50 йиллиги билан қизғин табриклайди.

«Агитатор» журнали журналхонларга марксизм-ленинизм идеологиясининг, Коммунистик партия ва Совет давлати ички, ташқи сиёсатининг актив пропагандисти сифатида маълум. Журнал ва унинг кўпдан кўп активи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда партияга ёрдам бермоқда, меҳнаткашларни юксак коммунистик ғоявийлик ва ахлоқ руҳида, СССР халқлари дўстлиги ва пролетер интернационализми, совет умуммиллий ифтихори ва социалистик Ватан олдидаги юксак ватанпарварлик бурчини ҳис этиш руҳида тарбиялашга кўмаклашмоқда.

Совет ҳаёт тарзини тўла очиш, социализмнинг капитализмга нисбатан афзалликларини ёрқин кўрсатиб бериш, коммунистик идеалларни ва коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини бир мақсадни кўзлаб пропаганда қилиш, совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга кўмаклашиш, оммавий-сиёсий ишнинг илғор тажрибасини кенг ёйиш, агитаторлар, сиёсий ахборотчиларга, докладчиларга малакали методик ёрдам бериш — «Агитатор» журналининг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети «Агитатор» журналининг коллективига, унинг авторларига ва барча журналхонларига меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, Ленин ғояларини ва коммунизм қурилишида партия режаларини амалга ошириш учун курашда янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҲИНДИСТОН — СОВЕТ ДЎСТЛИГИ БУЗИЛМАСДИР!

ДЕҲЛИДА ОММАВИЙ МИТИНГ

ДЕҲЛИ, 27 ноябрь. (**ТАСС махсус мухбирлари**). СССР ва Ҳиндистоннинг давлат байроқлари билан, Л. И. Брежнев ва Индира Гандининг портретлари билан, «Ганди ва Неру ватани Л. И. Брежневни табриклайди!», «Яшасин Ҳиндистон — Совет дўстлиги» деган шиорлар ёзилган транспарантлар ва плакатлар билан безатилган қадимий Лаъл қалъа олдидаги жуда катта майдонда бугун Ҳиндистон пойтахтининг бир миллионга яқин аҳолиси тўпланди. Корхоналарнинг ишчилари, ҳукумат муассасаларининг хизматчилари, студентлар, маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон — Совет жамиятининг активлари, оммавий демократик ташкилотларнинг, касаба союзларининг вакиллари, парламент аъзолари келишди.

Бу ерда, Лаъл қалъа олдидаги тарихий майдоннинг деворлари устида 1947 йилда кўтарилган уч рангли байроқ Осиёда янги мустақил давлат туғилганлигини жаҳонга хабар қилган эди. Мана шу ердаги тарихий майдонда жуда катта Ҳиндистон — Совет дўстлиги митинги ўтказилди. Бу митинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни кутиб олиш учун тузилган умуммиллий комитетнинг ва Ҳиндистон пойтахти муниципалитетининг ташаббуси билан чақирилди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевни, бошқа совет меҳмонларини давомли қарсаклар, табрик-хитоблари билан кутиб олишди. Митингда тўпланганлар Ҳиндистон Бош министри Индира Гандини, Ҳиндистон вице-президенти Г. С. Патхакни, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини кутиб олиш учун тузилган умуммиллий комитет раиси, ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси доктор Ш. Д. Шармани, Ҳиндистон ҳукуматининг аъзоларини қизғин табриклардилар.

Митингни Ҳиндистон вице-президенти Г. С. Патхак очди. У Л. И. Брежневни Ҳиндистоннинг буюк дўсти деб чин кўнгилдан табриклаб, Ҳиндистон — Совет дўстлиги икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги доимий мулоқотлар билангина чекланиб қолмаётганлигини айтди. Икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари муттасил ривожланиб бораётганлиги, деди у, бу дўстликнинг энг яхши белгисидир. Ҳиндистоннинг бошига тушган қийин вақтларнинг ҳаммасида, деди Г. С. Патхак, Совет Иттифоқи ҳар доим Ҳиндистон халқини қўллаб-қувватлаб турди.

Вице-президент Деҳли шаҳрининг мэри К. Н. Сахнига сўз беради.

Ҳиндистон пойтахтининг мэри Деҳли аҳолисининг Л. И. Брежневга табрикномасини ўқиб берди. Деҳли аҳолиси КПСС Марказий Комитети Бош секретарига мурожаат қилиб, қуйидагиларни ёзади:

Бундан ўн икки йил муқаддам Деҳли гражданлари Сизни тарихий Лаъл қалъа олдидаги майдонда табриклаш имкониятига мушарраф бўлган эдилар. Бугун ҳам биз Ҳиндистон пойтахтининг юз мингдаб аҳолиси номидан сизга сидқидилдан «Хуш келибсиз!» деб айтмоқдамиз. Деҳли жаҳонининг энг қадимий пойтахтларидан бири бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга бу шаҳар инсоннят тарихидаги кўпгина жуда катта воқеалар билан алоқадор марказ ҳамдир. Ҳозирги вақтда бу шаҳарда энг хилма-хил миллатларнинг намояндалари истиқомат қилиб турибди, шу сабабли биз тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, бугун биз Сизни, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини бутун Ҳиндистоннинг кўп миллионли халқи номидан, мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида яшовчи халқларнинг вакиллари номидан кутиб олмоқдамиз.

Инсоният тараққиётини таъминламоқ учун ҳамма миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик бўлиши зарурлигига тўла равишда аминмиз. Бизнинг рахбарларимиз билан олиб бораётган музокараларингиз жуда муваффақиятли бўлади ва шу музокаралар натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамланади, деган умиддамиз.

Давлатларимиз ўртасида вужудга келган муносабатлар фақат мамлакатларимиз халқларининг манфаатларигагина мос тушиб қолмасдан, шу билан бирга бу муносабатлар жаҳоннинг шу районида тинчликни таъминламоқ учун, ер курраси да кўпроқ барқарорликка эришмоқ учун ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз, дейилади сўнгра табрикномада, Сизнинг Ҳиндистонга қилган визитингиз натижасида ҳар иккала мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги ҳамкорлиги, яъни тинчликни ва адолатни таъминлаш мақсадида қилинаётган ҳамкорлик янги чўққиларга кўтарилади, деган умиддамиз.

Совет халқи нақадар катта муваффақиятларга — эришганлигини яққол кўриб, ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Уруш йилларида ҳам, тинч қурилиш йилларида ҳам Сиз, Бош секретарь жаноблари, ўзингизнинг бутун куч ва ғайратингизни халққа хизмат қилиш ишига бағишлаб келмоқдасиз.

Сизга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилганлиги халқаро кескинликни юмшатиш, ер юзида тинчлик ва яхши қўшничилик иқлимини таъминлаш ишига шахсан қўшган ҳиссангизнинг аҳамияти жуда катта эканлигини исботлаб турибди.

Биз, дейилади Деҳли аҳолисининг табрикномасида, совет халқини чин кўнгилдан севиб ғоят ҳурматламоқдамиз, унга фарогат ва равнақ тиламоқдамиз. Сиз, Брежнев жаноблари, ўзимизнинг юртимизда табриклаб, ғоят хурсанд бўлаётганлигимизни яна бир марта изоҳ қиламиз.

Ҳиндистон пойтахтининг мэри митинг қатнашчиларининг қарсаклари остида бу табрикномани Л. И. Брежневга топширди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўзининг яхши кутиб олинганлиги учун шаҳар мэрига ташаккур айтди ва Ҳиндистон пойтахти ҳурматли меҳмонларининг китобига имзо чекди.

Л. И. Брежневни кутиб олиш учун тузилган умуммиллий комитет раиси, ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси, доктор Ш. Д. Шарма минбарга чиқади.

Биз, деди у, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини юксак даражада қадрламоқдамиз. Бу дўстлик ривожланаётган мамлакатларда яшаб турган, мустамлака ўтмишининг оғир меросини улоқтириб ташлашга интилаётган миллион-миллион кишилар учун умид чироғи бўлиб турибди.

Бугун биз учун тарихий кун, чунки дўст мамлакатнинг тинчлик ва дўстлик миссияси билан юртимизга келган атоқли раҳбарини табриклаш шарафига эга бўлиб турибмиз. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон — Совет дўстона муносабатларини ривожлантиришда янги босқичга бошлаб берганликларидан бахтиёрмиз.

Ҳиндистон бошига тушган қийин кунларнинг ҳаммасида, деди Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси, Л. И. Брежнев раҳбарлигида совет халқи қаҳ-қаҳ дам ҳинд халқига дўстлик ва ёрдам қўлини узатиб келди. Бокородаги металлургия заводи ва Матхурда нефтни қайта ишлаш заводи қурилаётганлиги Ҳиндистон экономикасининг ривожланишидан Совет Иттифоқи астойдил манфаатдор эканлигини кўрсатиб турибди.

Бизнинг вазифамиз шуки, деди пировардида Ш. Д. Шарма, ер юзида тинчлик манфаатларини кўзлаб Ҳиндистон — Совет дўстлигини мустаҳкамламоқ учун ҳамма чораларни кўришимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нарафига бу оммавий митинги фақат Деҳли аҳолисигина ташкил этгани йўқ, бу ерга бутун Ҳиндистоннинг вакиллари келган. Улар совет раҳбарларига ва Совет Иттифоқи халқига ўзларининг ҳурматларини ва дўстлик туйғуларини изҳор этмоқ учун Лаъл қалъа олдига келишди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневга сўз берилади.

Жуда катта майдонда гулдурос қарсаклар янграйди. «Тинчлик, дўстлик!» деган хитоблари митинг аҳли қайта-қайта такрорлайди.

ДЕҲЛИ. 27 ноябрь. Қизил форт майдонида Ҳиндистон—Совет дўстлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Суратда: митинг пайти.

ТАСС махсус мухбирлари **В. Мусаэльян** ва **В. Соболев** фотолари.

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли вице-президент жаноблари!

Ҳурматли Бош министр хоним!

Ҳурматли тайёргарлик комитетининг раиси, жаноблари!

Ҳурматли мэр жаноблари!

Ҳурматли дўстлар!

Сизлар билан, Ҳиндистон пойтахтининг аҳолиси, бўюк ва озод Ҳиндистон гражданлари билан учрашиш биз Совет Иттифоқи вакиллари учун ёқимлидир. (**Қарсаклар**). Бу ерда бизнинг шаънимизга, совет халқи шаънига айтилган самимий сўзлар учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдираман. Совет кишилари ҳам сизларга худди шундай самимий эзгу туйғулар билан жавоб берадилар ҳамда дўст ҳинд халқига қизғин қардошлик саломо топширадилар! (**Қарсаклар**).

Мен илгари ҳам Ҳиндистонга келиш шарафига муяссар бўлганман. Гарчи бу воқеага 12 йил бўлган эсада, эркин ҳинд халқи турмушининг бекиёс ёрқин манзаралари ҳамон кўз олдимда турибди.

Мен бу ерга сизларнинг ҳаританингизда мустамлакачиликнинг сўнгги оролчалари йўқолиб, Гоа, Даман ва Диу узра Ҳиндистоннинг миллий байроғи ҳилпирай бошлаган пайтда келган эдим. (**Гулдурос қарсаклар**). Ҳиндистон диёрида умумхалқ шодиёнасининг ўша кунлари асло унутилмайди!

Мадорас, Деҳли, Калькуттада бўлиб ўтган кўп минг кишилик митингларнинг манзараси ҳам, Бомбайдаги технология институти дарсхоналарини тўлдирган ҳинд йигит-қизларининг чеҳралари ҳам эсга тушади. Анклешвардаги пармалаш миноралари ҳам, Невейлида қурилаётган электр станцияларининг корпуслари ҳам Агра билан Жайпурдаги қадимий ҳинд меъморчилигининг ёдгорликлари ҳам эсга тушади.

Атоқли давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру билан бўлган учрашувлар ва батафсил суҳбатларнинг чуқур таассуротлари эсдан чиқмайди. Жавоҳарлаъл Неру ҳинд халқининг донишмандлиги, сахий қалби ва жон-тани, унинг мустақиллик ва тараққиётга бўлган интилиши рамзи бўлган инсон эди.

Мамлакат билан биринчи танишув ҳамиша кишини тўлкинлантиради. У билан янги учрашув янги ҳис туйғулар бахш этади, мамлакат ва унинг халқи ҳаётидаги яхши ўзгаришларни сезиш имконини беради. Бизнинг бу сафарги визитимиз асосан мамлакатингизнинг раҳбар арбоблари билан ўтказиладиган музокараларга бағишланган бўлиб, мамлакат бўйлаб сафар қилишни назарда тутмайди. Аммо мен чин кўнгилдан айта оламанки, менинг Ҳиндистон билан алоқаларим ҳеч қачон тўхтаган эмас. (**Қарсаклар**). Шу йиллар мобайнида мен ва шерикларим Ҳиндистоннинг ривожини эътибор билан кузатиб турдик, сизларнинг муваффақиятларингизни, сизларнинг проблемаларингизни қалбимизга яқин олдик. Зотан бизнинг ҳозирги Ҳиндистон тўғрисида ҳамма билганларимиз Ҳиндистон ҳаракат қилмоқда, Ҳиндистон келажакка интилмоқда! — деб тўла ишонч билан айтишга имкон беради. (**Қарсаклар**).

Кеча бош министр Индира Ганди хоним билан музокараларимиз бошланди. Биз мамлакатларимиз олдига қўйилган ўзи қўйётган янгиликларни биргаликда кўриб чиқишга, Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ёрдам бера оладиган янги тадбирларни режалаштиришга, халқларимизнинг бахт-саодати йўлида тинчлик манфаатлари йўлида биргаликда бундан буён қилинадиган иш соҳасини белгилаб олишга аҳдлашдик. (**Қарсаклар**). Қадрли дўстлар, сизларга шуни айта оламанки, бизнинг Индира Ганди хоним билан ва Ҳиндистон ҳукуматининг бошқа вакиллари билан ўтказаётган ана шу музокараларимиз ҳамиша бўлганидек муваффақиятли ва самарали ўтмоқда. (**Қарсаклар**).

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон вакиллари иккала мамлакатимиз ўртасида тарқиб топган муносабатларнинг характерини белгиларкан, бир неча йиллар бери шу муносабатларни тинч-тотув яшаш намунаси деб атамоқдалар. Бундай дейиш — мутлақо тўғри. Бу — турли ижтимоий тузумдаги икки қўшни давлатнинг тинч-тотув яшашидир, ҳалол — тинчликсеварлик руҳи билан суғорилган ва иккала мамлакатга фойдали бўлган ҳалол, холис яшашдир.

Шу негизда вужудга келган Совет — Ҳиндистон муносабатлари йил сайин ҳамкорликнинг гобора конкрет моддий натижаларини ва айни вақтда қимматли маънавий меваларни бермоқда. Юз миллионлаб ҳиндлар ва совет кишилари онгида пайдо бўлган яхши ниятлар мўл-кўл самара бермоқда. Совет-ҳинд дўстлигининг чуқур анъаналари шаклланмоқда. Бизнинг дўстлигимиз Бхилай домналари алангасида чиниқди, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг жаҳон майдонида биргаликда сарфлаган куч-ғайратлари тинчлик, адолат ва халқлар озодлиги тантанасига қаратилган куч-ғайратлари натижасида янги мазмун билан бойиди. (**Қарсаклар**). Бу дўстлик келажакка янги қирраларни солмоқда. Бу ўринда мен иккала мамлакат студент ёшларининг ҳамкорлиги қучайиб бораётганлигини, болаларимизнинг саноат дунёсидаги алоқаларини ва бошқа кўп нарсаларни назарда тутаман.

Икки буюк мамлакатни бирлаштирган холис ният алоқаларнинг мустаҳкамлиги, уларнинг ўзаро ҳурмати, меҳр-муҳаббати ва бир-бирига ихлоси, турли вазиятларда — халқаро муносабатлар океанидаги ёмшоқ иқлим ва даҳшатли довуллар шароитида синовдан ўтди. Бинобарин бугун: Дўстлигимиз шу-синовдан шараф билан ўтди! — деб комил ишонч билан айта оламиз, деб ўйлайман. (**Қарсаклар**). Бу дўстлик халқларимиз учун муштарак манфаатларни таъминлаш учун, айтиш мумкинки, мамлакатларимизнинг хавфсизлиги учун ўзининг нақадар қимматли эканлигини яққол кўрсатди. Бу дўстлик бутун дунёдаги тинчлик иши учун ҳам ўзининг қимматли эканлигини тасдиқлади.

Хуллас, дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз амалда яхшилаб синаб кўрилди. Ҳиндистон ва Совет халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Зеро шу кунларда Индира Ганди хоним билан ва Ҳиндистоннинг бошқа арбоблари билан ўтказилган фикрлашувлар шуни янги куч билан тасдиқладики, иккала мамлакат раҳбарлари ҳам муносабатларимизни юксалиш йўлидан ривожлантира беришга комил ишонч билан аҳд қилганлар. (**Қарсаклар**).

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги сиёсий муносабатларга эмас, шу билан бирга иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳам қувонч билан таъкидлаймиз.

Эш Ҳиндистон Республикаси олдида замонавий экономикани барпо этиш, мамлакатни индустриал вазифаси жуда актуал вазифа бўлиб турган бир пайтда бу ишда Совет Иттифоқи Ҳиндистонга баҳоли қудрат ёрдам берди — кредитга берилган асбоб-ускуналар, мутахассислар юборишдан ҳам, миллий кадрларни тайёрлашда кўмаклашиш ҳам ана шулар жумласига киради.

Азиз ўртоқлар! Митингнинг ҳурматли қатнашчилари!

(**Давоми 2- бетда**).

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами — республика куни муносабати билан ва Югославия халқларининг кўп миллатли социалистик давлатни барпо этиш учун олиб борган нурашда муҳим босқич бўлиб қолган, Югославия халқ озодлиги антифашист вечаси иккинчи сессиясининг 30 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Подгорний Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти Ўртоқ Иосиф Броз Титога табрик телеграммаси йўллаб ...

... ЮСФР Президиумига, Югославиянинг қардош халқларига энг самимий кутловлар ва энг яхши истаклар баён қилдилар.

Телеграммада айтилади, халқ ҳокимияти йиллари мобайнида Югославияда Коммунистлар Союзи раҳбарлигида сиёсий, ҳўжалик ва маданий ривожланишда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларга эришилди.

Совет кишилари ЮСФР халқларининг социалистик жамият қурилишида, ўзларининг кўп миллатли давлатини мустаҳкамлашда эришган муваффақиятларини қардошларча бирдамлик туйғуси билан таъкидламоқдалар. Социалистик Югославиянинг тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашдаги актив роли бизнинг мамлакатимизда юксак баҳоланмоқда.

Биз шунга ғоят аминмизки, социализм ва коммунизм қуришдаги туб манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклигига асосланган ...

... Совет—Югославия дўстлиги, партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизнинг бахт-саодати йўлида муттассил ривожлана беради, социализм позицияларини мустаҳкамлашга кўмаклаша беради, империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам бераверади. Яқинда олий даражада бўлиб ўтган Совет—Югославия музокаралари КПСС билан ЮКС ўртасидаги, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги бирлик мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир карра намойиш қилди.

Шу шонли кунда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи Югославия коммунистларига, ЮСФР меҳнаткашларига социалистик галабалар ва мустаҳкамлашда ва ватанингизни равнак топтиришда янги муваффақиятлар тилайдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ДЕҲЛИ, 28 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 27 ноябрда Ҳиндистон Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Ҳиндистон Компартияси Миллий Кенгашининг Раиси Ш. А. Данге, Ҳиндистон Компартияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Р. Рао, Ҳиндистон Компартияси Миллий Кенгаши Марказий секретариатининг аъзолари Н. К. Кришнан, Б. Гупта, Я. Шарма, И. Синҳ, Р. Редди, И. Гупта, С. Кумаран қатнашдилар.

Учрашувда совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Н. М. Пегов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари Ю. А. Жилин, П. В. Куцобин, СССРнинг Ҳиндистондаги муваққат ишлар вакили В. К. Болдирев иштирок этдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг ички ва халқаро фаолиятига доир актуал масалалар тўғрисида ҳинд ўртоқларга ахборот берди. У Совет Иттифоқида коммунистик қурилиш программаси қандай бажарилаётганлигини, совет халқи саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қандай муваффақиятларга эришганлигини, совет кишилари ҳозирги вақтда ҳал этаётган проблемаларни, КПССнинг ғоявий-сиёсий ва ташкилий ишларини гапириб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг сиёсати халқаро муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини изчиллик билан қарор топтиришга, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги ишини ҳимоя қилишга қаратилганлиги тўғрисида гапирди. Бизнинг Ҳиндистонга қилган визитимиздан мақсад, деди у, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдан, улар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришни янада рағбатлантиришдан иборат. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди хоним билан ўтказилаётган музокараларнинг боришига қараб, бу музокаралар иккала буюк халқнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган самарали натижалар беради, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шуни таъкидладики, 1969 йилги кенгашдан кейин халқаро кескинликни юмшатиш ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса қўшган йирик халқаро куч бўлган жаҳон коммунистик ҳаракатининг роли ошди. Айни вақтда ўртоқ Л. И. Брежнев жаҳон майдонидаги янги воқеалар, қардош партиялар олдида турган вазифалар уларнинг сафларини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида янада кўп...

... жиҳатдан таъкидлаб ўтилаётганлигини таъкидлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС билан Ҳиндистон Компартияси ўртасида анъанавий қардошлик муносабатлари мавжудлигини таъкидлаб, иккала партия ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва активлаштириш зарурлигини айтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари иккала партияни боғлаб турган қардошларча бузилмас дўстлининг белгиси сифатида совет ҳайкалтароши Л. Е. Кербель ишлаган В. И. Ленининг бронза бюстини Ҳиндистон Компартияси раҳбарларига тортиқ қилди.

Ш. А. Данге, Р. Рао ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитини ҳинд коммунистлари номидан қизғин табриклардилар. Бу визит ҳинд халқининг жуда кенг табақаларини беҳад қизиқтирди, улар бу визитни Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқаларининг янги ёрқин исботи деб биндилар, дейишди улар.

Сизнинг Деҳлидаги оммавий митингда сўзлаган нутқингиз тинчликсевар кучларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган конгрессида сўзлаган нутқингиз каби Ҳиндистоннинг демократик кучларига илҳом бахш этмоқда, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг ғалабасига ишончни кучайтирмоқда, деди Р. Рао ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат қилиб. Ўртоқ Ш. А. Данге КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг жуда катта аҳамиятини таъкидлаб, бу программанинг амалга оширилиши бутун халқаро вазиятга зўр таъсир ўтказаётганлигини уқтириб ўтди. У КПСС раҳбарлари, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев ялпи тинчлик иши учун нурашда кўрсатаётган ташаббусчорлик ва ғайрат-шижоатни юксак баҳолади.

Учрашув қардошларча самимий вазиятда ўтди.

ҲИНДИСТОН—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ БУЗИЛМАСДИР!

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

Бизнинг тажрибамиз — билимларимиз, меҳнатимиз мамлакатингизни индустриялашга тааллуқли катта-катта вазифаларни ҳал этишда сизларга ёрдам бераётганлигини англаш совет кишиларига ёқимлидир.

Совет — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг тўнғич меваси — Бхилайдаги завод ишга туширилганда биз ҳам сизлар билан бирга қувондик! Эндиликда Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг катта металлургия корхонаси — Бокородаги завод тўла қувват билан ишлай бошлайдиган кун яқинлашиб келмоқда. Бу корхона ҳар йили берадиган ўн миллион тонна пўлат бошқа заводларингиз берадиган пўлатга қўшилиб, Ҳиндистонинг янги қурилишлари ва заводларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган металл билан таъминлаш проблемасини ҳал этишга ёрдам беради. мамлакатни индустриялашнинг янада юксак суръатлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ҳали яқиндагина ҳинд ва совет мутахассисларининг биргаликда ғайрат-ҳаракатлари туфайли Ғужарат штатида нефть кони топилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда уч миллион тоннадан ортиқ қимматли маҳсулот қазиб олинмоқда. Ҳозир Матхурда қурилаётган янги катта нефтни қайта ишлаш комбинатини ҳам ҳинд ва совет кишилари биргаликда сарфлаган кучғайратларнинг меваси дейиш мумкин.

Шу тарзда биргаликда қилинаётган конкрет ишларда совет кишилари билан ҳиндларнинг реал дўстлиги, меҳнат аҳлларининг дўстлиги жуда яхши чиниктирилмоқда, — бу дўстликдан ҳам мустаҳкамроқ ва самимийроқ дўстлик бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатларимиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли савдо-сотиқ афзалликларидан актив равишда фойдаланмоқдалар. Совет — Ҳиндистон товар оборoти кейинги ўн йил ичида тўрт баравардан знёд ўсди. СССР савдо-сотиқ соҳасида Ҳиндистоннинг асосий шериклари-дан бири бўлиб қолди, сизнинг мамлакатингиз эса Совет Иттифоқининг ташқи савдосида катта ўринни олди. Икки ўртадаги савдо-сотиқнинг манзараси ҳам аввалгидан бутунлай ўзгариб кетди: Совет Иттифоқи Ҳиндистондан ҳозир сотиб олаётган маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи сизларнинг ёш саноатингиз маҳсулотидир. Ҳиндистон қарам аҳволда қолишини истаган кимсалар бундан ҳиқилик мамнун бўлмасалар керак. Лекин, биз, совет кишилари бу ўзгаришларга астойдил қувонамиз. Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланаётганлигига қувонамиз. **(Қарсаклар).**

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқни янада ривожлантириш керак, албатта. Бу соҳада ҳали фойдаланилмаган кўпгина имкониятлар бор. Бироқ гап савдонинг ўзидагина эмас. Масалан, бизнинг назаримизда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида ҳар иккала томонга манфаатли бўлган ишлаб чиқариш ҳамкорлигини, мамлакатларимиз ўртасида кооперация ва меҳнат тақсимотига, хўжалик соҳасидаги потенциалларимизни ўзаро тўлдиришга асосланган ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаб кўриш лозим.

Шуни айтишим мумкинки, ҳозир бошланган Совет — Ҳиндистон музокаралари давомида ана шу ғоя муҳокама қилинмоқда. Биз экономика, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлигимизни узоқ муддатли, стабил тус олдиришни, уни ривожлантиришнинг лоақал яқин ўн беш йилга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олишни ўйлаб турибмиз. Бундай қилиш иккала мамлакатимиз учун фойдали бўлишига, совет кишиларига, ҳиндларга ҳам фойдали бўлишига аминмиз. Иқтисодий ҳамкорлигимизни аниқ мақсадни кўзлаб, яхши ўйлаб ривожлантириш Ҳиндистон экономикасини юксалтиришга, бинобарин, ҳинд халқининг турмушини яхшилашга ҳам кўмаклашадиган омилларнинг бири бўлиб қолиши мумкин.

Қадрли ўртоқлар! Инсониятнинг космоса чиқиш йўлини очиб берган Юрий Гагарин «Ердаги» даст-лабки саёҳатларидан бирини Ҳиндистонга қилганлигини кўпларингиз, эҳтимол, эсларсиз. **(Қарсаклар).** У шу ерда, сизларнинг юртингизда бундан ўн икки йил муқаддам коинотнинг бепоён бўшлиқларини тадқиқ этишда мамлакатларимизнинг ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги ўз орзуларини сизлар билан баҳам кўрган эди. Эндиликда ана шу орзу рўёбга чиқарилмоқда: мамлакатларимизнинг ҳукуматлари совет учирувчи ракетаси ёрдамида Ҳиндистоннинг йўлдошини учириш тўғрисида бир битимга келдилар. **(Қарсаклар).** Бу битим кўп жиҳатдан рамзий битимдир. У аввало, Ҳиндистон чорак аср мобайнида ривожланишнинг нақадар катта йўлини босиб ўтганлигидан далолат беради. Бу нарса бизнинг алоқаларимиз истиқболлари нақадар катталигидан ҳам далолат беради. Бунда ғап космос тўғрисидагина эмас, атом энергетикаси, электроника ва бошқа кўп соҳалар тўғрисида ҳам бораётир.

Бизнинг муносабатларимиз — социализм дунёсининг миллий озодлик ҳаракати туфайли вужудга келган дунё билан буюк иттифоқини кўрсатувчи энг ишончли намуналарнинг биридир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати ҳамиша миллий озодлик ва мустақиллик курашчилари томонида бўлиб келдилар ва ҳозир ҳам уларга ҳамдамдирлар. Одамни одам эксплуатация қилишини ҳам, бир миллатни иккинчи миллат эзишини ҳам рад этувчи бу дунё қарашимиз ана шу сиёсий йўлни тақозо этади. Бу сиёсий йўл юздан ортиқ миллат ва элат аҳли бир оила бўлиб яшаб турган социалистик жамиятимиз табиатининг ўзидан табиий равишда келиб чиқади. Бу йўл партиямиз программасида мустаҳкамлаб берилган. Унда бундай дейилган: «КПСС мустамлакачилик ва ярим мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган халқлар билан қардошларча иттифоқ бўлишни ўз халқаро сиёсатининг энг муҳим негизларидан бири деб билади».

Бултур Ҳиндистон ўз мустақиллигининг 25 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, сўнгги чорак аср — сизларнинг мамлакатингиз ҳаётидагина буюк давр бўлиб қолмасдан, бу — бутун планета миқёсида миллий озодлик кучлари зафарли юриш бошлаган давр ҳам бўлди. Бу кучлар 70 дан ортиқ мамлакатда давлат ҳокимиятини қурашиб қўлга киритдилар.

Турли мамлакатлар турли йўллардан бордилар. Аммо, социал янгиланишни таъминламай туриб чинакам миллий тикланишга эришиш мумкин эмаслигини, миллий-озодлик революциялари ривожлана борган сари уларнинг империализмга қарши демократик йўналиши кучая беришини турмушнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Миллий-озодлик ҳаракатининг манбалари ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ўз заминида вужудга келиши табиий. Бироқ, бу ҳаракатлар қудратли бир оқимга айланиб, чинакам интернационал куч бўлиб қолди. Энди биз ҳозир миллий-озодлик ҳаракати қандай ўзгаранлиги тўғрисидагина эмас, шу ҳаракатнинг таъсирида дунёнинг ўзи қандай ўзгараётганлиги тўғрисида ҳам гапиришга ҳақлимиз. Озод бўлган мамлакатлар ўз юртларида оммавий камбағаллик, очлик, қолоқликни тугатиш сингари проблемаларни ҳал этишга киришдилар. Бу ўринда гап ер юзи аҳолисининг кўпчилик қисми яшаб турган районлар тўғрисида бораётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу — жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган жуда катта вазифа эканлиги равшан бўлиб қолади. Умуман бутун инсоният шу вазифанинг ҳал этилишидан манфаатдордир.

Дунёнинг географик харитасида янги-янги бўёқлар пайдо бўлди. Унинг социал-сиёсий қиёфаси янги белгилар касб этди. Жаҳон ижтимоий тараққиёти янада шитоб билан илгарилаб бормоқда. Ёш давлатлар халқаро турмушга ўзларининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги кураш жўшқинлигини бахш этдилар.

Аммо, тўғри гапни айтганда, бу аҳволга тоқат қилишни истамаётган, миллий-озодлик ҳаракатининг қудратли тўлқинини тўхтатиб қолишга ўринаётган кучлар ҳали ҳам анчагина бор. Ўзининг ҳали ҳам ер юзи аҳолисининг кўпчилиги ана шундан далолат бермайдими, ахир. Ҳинди-Хитойдаги бошқа халқларнинг ишига ажнабийларнинг аралашуви ҳали тўхтатилгани йўқ. Араб ерлари ҳамон оккупациячилар қўл остида турибди. Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг курашни қонга ғарқ қилиш йўлидаги уринишлар давом этмоқда. Родезия, Жанубий Африка, Намибиядаги ирқчи режимлар жаҳон харитасида ҳали ҳам доғ бўлиб турибди. Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда реакцион ҳарбий диктатуралар — шу мамлакатларнинг халқлари жирканаётган ва ажнабий монополиячиларнинг дилига қувонч бахш этаётган ана шу диктатуралар ҳамон қутуриб турибди. Бунинг устига айрим жойларда реакция ҳужумга ўтиб, мустақиллик ва социал тараққиёт учун олиб борилган курашда қўлга киритилган демократик эркинликлар ва ғалабалардан халқларни маҳрум этмоқда. Чилидаги воқеалар бунга мисол бўла олади.

Бироқ, биз шундай бир даврда яшаб турибмизки, эндиликда озодлик ва мустақиллик идеаллари курашчиларни вужудга келтирибгина қолмай, уларни голибларга ҳам айлантирмоқда. Чунки ҳозир бу идеалларни ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб қишилар эмас, балки миллион-миллионлаб кишилар қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Чунки социализм мамлакатлари ва ёш миллий давлатлар бу идеалларнинг қудратли таянчи бўлиб турибдилар.

Ана шу кучларнинг ҳамкорлиги — бутун инсониятнинг улуғвор бойлиги эканлигини, халқаро майдондаги муносабатларнинг бутун системаси ўзгарганлигининг энг аққол далилларидан бири эканлигини биз унута олмаймиз, унутишга ҳаққимиз йўқ.

Социалистик давлатларнинг ва озодликка чиққан мустақил мамлакатларнинг конструктив тинчликсевар сиёсати таъсири остида ҳозир бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатилиши сари бурилиш содир бўлмоқдаки, буни барча тинчликсевар халқлар қизғин табриклямоқдалар. **(Қарсаклар).**

Кескинликнинг юмшатилиши жаҳон ядро фалокати хавфини узилкесил бартараф этгани йўқ, лекин орқага сурди. Шунинг ўзини ҳам биз бутун инсониятнинг жуда катта ютуғи деб ҳисоблаймиз. Ядро уруши фақат Европа ва Америка цивилизацияларинигина ўз домига тортиб қолмайди-ку, ахир! Унинг ҳамма нарсани ёндириб кул қилувчи нафаси бирон қитъани четлаб ўтмайди-ку, ахир! Истисносиз ҳамма халқлар бир ҳаводан нафас оладилар, дунёдаги тинчлик каби планета атмосфераси ҳам бўлинмасдир.

Бизнинг мамлакатимиз кескинликни юмшатиш зонасини кенгайтириш тарафдоридир, бу зона бутун дунёни ўз ичига олишининг тарафдоридир. Жаҳон сиёсати тарозисининг палласига Осиё, Африка, Латин Америкаси халқлари ва давлатларининг ҳоҳиш-иродаси, ақл-заковати, масъулияти, кучғайрати тўла-тўкис қўйилмас экан, бундай вазифани том маъноси билан ҳал этиш амримаҳол эканлигини биз жуда яхши тушуниб турибмиз.

Биз амал қилаётган позициянинг моҳияти қуйидагича: Биз ҳамма мамлакатларга — келинглар, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилайлик. Келинглар, бир-биримизга қарши ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатларни қилмайлик, бир-биримизга куч ишлатиш билан дўқ қилмайлик, деган таклиф билан мурожаат қилмоқдамиз. Биз барча ҳукуматларга — келинглар, тинч-тотув яшашгина қолмай, шу билан бирга ҳар томонлама ҳамкорликни ҳам ривожлантирайлик, деб даъват қилмоқдамиз. Биз барча ҳукуматларга мурожаат қилиб, уларни шунга даъват қиламиз. Биз халқаро муносабатларни қайта қуришга катта ҳисса қўша олишларига амин бўлган жамоат кучларига ҳам ана шундай даъват билан мурожаат қиламиз.

Бундан бир ой муқаддам Москвада тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси бўлиб ўтди. Унга дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатидан делегатлар келди. Ҳиндистон жамоат кучларининг делегацияси энг нуфузли делегацияларнинг бири бўлди. Биз бу делегацияни ҳам Кремлнинг Съездлар саройида аўр қувонч билан чин кўнгилдан табриклядик. Конгресснинг ялпи мажлисларида ва комиссияларида мингдан ортиқ нотиқ сўзга чиқди. Бу қадар турлитуман масалалар, динларга, социал алоқаларга мансуб бўлган кишилар илгари ҳеч қачон битта иш — тинчлик учун курашдан иборат мўътабар ва олижаноб иш тевараги-да бирлашмаган эдилар. Конгресс ишида қатнашган ҳар бир киши, шу жумладан мен ҳам, ер юзи халқларининг қалб ҳароратини, уларнинг тинчликка шитоб билан интилаётганлигини ҳис этмай қола олмадик.

Социализм халқларнинг тинчликка бўлган ҳоҳиш-иродасини тўла-тўкис ифодалайди. Шундай бўлиши ҳам табиийдир. Табиий эканлигининг боиси шуки, бизнинг мақсадимиз, совет халқининг ва социалистик мамлакатлардаги барча халқларнинг мақсади коммунистик жамият қуришдан, ҳар бир кишининг ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжлари беками-кўст қондириладиган, ҳар бир киши ўз шахсини камолотга етказиш учун тўла имконият оладиган жамият қуришдан иборат. Шу мақсадларга эришмоқ учун бизга тинчлик ва мустаҳкам хавфсизлик зарурлиги равшан.

Шу мақсад йўлида биз ҳозиргача кўп нарсаларга эришдик. Биз социализм қурдик. Одам одамни эксплуатация қилиши, зулм, тенгсизлик, камситишнинг ҳамма турлари жамиятимиз ҳаётидан абадий йўқ қилинди. Завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалик корхоналари — шуларнинг ҳаммаси бизнинг мамлакатимизда халқнинг мулкига айлантирилган. Шу сабабли ундан халқ манфаатларига қарши фойдаланиш мумкин эмас. Эксплуататорлик тузуми меҳнаткаш инсон бошига соладиган ишсизлик ва қашшоқлик каби социал офатлар тугатилган. Миллий адоват ва ишончсизлик ўрнига дўстлик ва қардошлик муносабатлари қарор топган. Маориф ва маданият ҳар бир ер ва ҳар бир совет граждани бахрамандир бўлмоқда.

Биз янги ижтимоий ахлоқ вужудга келганлигини ўзимизнинг энг катта ютуғимиз деб ҳисоблаймиз. Одамлар қайси социал группаларга, қайси миллат ва элатга мансуб эканликларидан қатъи назар, уларнинг тенглиги, коллективизми ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашуви, меҳнатга янгича муносабат, чинакам демократизм, ниҳоят чуқур инсонпарварлик ҳамда ҳар бир кишининг ҳуқуқлари ва шахсиятини ҳурмат қилиш ана шу янги ижтимоий ахлоқнинг ўзига хос белгиларидир.

Иқтисодий ривожланиш тўғрисида гапирадиган бўлсак, фақат битта рақамни айтиб бераман: бу йил Совет Иттифоқида ҳозиргача ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти революцияга қадар Россияда ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулотдан бир юз ўн уч баравар кўпдир.

Шуни тамомила очиқ айтмоқчиманки, биз эришган ютуқларнинг ҳаммасини осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Чор Россияси камбағал ва қолоқ мамлакат эди. Ёш Совет давлатини жуда оғир урушлари олиб боришга мажбур этдилар. Биз ўз фарогатимизни мустамлакачи давлатлар каби бошқа халқларни эксплуатация қилиш ҳисобига бунёд этганимиз йўқ. Биз қилган ишларнинг ҳаммаси — совет халқининг ўз фидокорона кучғайратлари билан қилинди.

Ривожланган социализм экономикасини барпо этиш учун, замонавий саноатни механизациялашган ривожланган қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш учун совет кишиларининг ғайрат ва сабот билан меҳнат қилишларига тўғри келди. Шу йилларда бизнинг одамларимиз баъзан қийин шароитларда яшадилар, кўп ҳузур-ҳаловатдан ўзларини тийдилар. Аммо, улар ўз йўлларидан қайтмадилар, илҳом билан, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар, чунки ўз олдиларида турган мақсадни ва нима учун курашаётганликларини улар яхши билар эдилар. Халқнинг миллион-миллион энг онгли ва фидокор ўғил-қизларини бирлаштирувчи Коммунистик партия совет кишиларига янги жамият қуриш йўлларини равшан тушунтириб берди, уларни жасорат кўрсатишга руҳлантирди, ягона бир қудратли меҳнат коллективига жиплаштирди.

Қадрли дўстлар! Ҳар бир мамлакатнинг ўз марраси бор. эришилган ютуқларини ўлчаш учун ўз мезони бор. Ҳиндистоннинг ҳам ана шундай марраси, ана шундай мезони бор. Бу—1947 йилнинг август кунидир. Ҳинд халқининг неча ўн йиллар давомида сабот билан олиб борган қаҳрамонона озодлик курашидан сўнг мамлакат мустақилликка эришди. **(Қарсаклар).** Мустақил Ҳиндистон ўз йўлида ҳақиқатан ҳам тарихий зафарларга эришди.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатни тараққиёт изига солиб юбориш нақадар қийин эканлигини ўз тажрибамизда кўрган биз, совет кишилари Ҳиндистоннинг саноат маҳсулоти ишгирма йил мобайнида уч баравар кўпайганлиги, дон етиштириш икки баравардан знёд ортганлиги; Ҳиндистондагиўз мингдан ортиқ шаҳар ва қишлоқда қурум бостирадиган пилик ва керосин чироқ ўрнини электр нури олганлиги каби салмоқли ва маънодор фактларни муносиб равишда баҳолай оламиз. Юз миллионга яқин ҳинд болалари ўқиш имкониятини олдилар; мамлакатда юксак малакали миллий кадрлар — илм-фан, техника, маданиятнинг турли соҳаларидаги мутахассислар тайёрланди.

Сизларнинг олдингизда ҳали кўпгина мураккаб ва ҳал этилмаган вазифалар турганлигини ҳам биламиз. Янги Ҳиндистон бунёдкорларига — улар шу қадар қатъият билан, ўз кучларига ишонч ва фидокорлик билан авж олдираётган улкан тарихий ишга зўр ҳурмат билан қараймиз. **(Қарсаклар).**

Ҳукмрон партия—Ҳиндистон Миллий Конгресси, халқ турмушини яхшилаш соҳасидаги кенг социалиқтисодий ўзгартиш-ларнинг муҳим демократик программасини ишлаб чиқди. **(Қарсаклар).** Партия ўз мақсади социализм эканлигини эзлон қилди. Ҳиндистоннинг кенг сиёсий ва жамоат доиралари социализм тарафдори эканликлари маълум.

Ижтимоий ривожланиш йўлини танлаб олиш — ҳар бир халқнинг ички иши деб, бу йўл халқнинг ўз фикри, эҳтиёжлари, социал-сиёсий тажрибаси, синфий кучларининг нисбати билан белгиланади, деб биз ҳамиша ҳисоблаб келдик ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблаймиз. Модомки, бугун Ҳиндистонда социализм йўлидан ривожланиш тўғрисида гапираётган эканлар, буни биз ўз мамлакатингизнинг тарихий тажрибаси туфайли юзага келган фикр деб тушунамиз. Жаҳон капитализми Ҳиндистонни мустамлака эзлми кишанлари билан занжирбанд қилган эди. Сизнинг халқингиз ўзининг келажакдаги орзу-умидларини мана шундай ижтимоий система билан боғлашни истамаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади!

Бизнинг бу хусусдаги фикрларимиз ҳаммага яхши маълум. Боя айтганимдек, социализм халқ оммасида улуғвор ижодий жўш урдиришини биз ўз тажрибаларимиздан биламиз.

Биздаги, шунингдек, социалистик ўзгартишларни амалга ошираётган бошқа мамлакатлардаги бу тажриба бошқа нарсадан ҳам дарак беради. Социализм қуриш учун ижтимоий муносабатларни тубдан қайта қуришнинг ўзигина кифоя қилмайди. бунинг учун саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи, кадрлар тайёрлаши юксак ривожланиш даражасига кўтариши таъминлаш ҳам керак бўлади. Бунга эришмоқ учун тер тўкиб меҳнат қилиш лозим, буларнинг ҳаммаси халқнинг саботли меҳнати билан вужудга келади. Шу билан бирга биз яхши биламизки, мақсад аниқ бўлса, сиёсий йўлни ўтказишга қаттиқ аҳд қилинган бўлса, бу йўл халққа тушунарли бўлиб, халқ уни қўллаб-қувватласа, социализм мутлақо реал иш бўлиб қолади.

Дунёда мамлакатингизнинг яхши дўстлари кўплиги, улар орасида сизларнинг яқин ва содиқ дўстингиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳам борлиги, бизнинг назаримизда, Ҳиндистоннинг иқтисодий ва социал тараққиёт йўлидан ривожланиши учун қулайлик беради. **(Қарсаклар).**

Азиз ҳинд оға-инилар ва опа-сингиллар, шу мўътабар минбарда туриб сизларга совет халқи номидан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва бирдамлик тўйғуларимизни, буюк озод ва мустақил Ҳиндистонга бахт-саодат ва равнақ тилаб, чин кўнгилдан айтган истакларимизни изҳор этмоқчиман! **(Қарсаклар).**

Қадрли дўстлар!

Сиз билан бизнинг учрашувимиз поёнига етиб қолган ҳозирги вақтда шу кунларда бизнинг фикримизни банд этган бош мавзуни лаг тилга олмоқчиман. Бу мавзу—Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик мавзуидир.

Бизнинг устозимиз, совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин қизғин интилган орзу рўёбга чиқмоқда: Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари чинакам дўстона муносабатларни ривожлантирмоқдалар. **(Қарсаклар).** Бу дўстлик Осиёдаги ва бутун дунёдаги тобора зўр сиёсий омилга айланмоқда. Биз қалин дўстларимиз орасида Ҳиндистон ҳам борлиги билан фахрланамиз.

Биз Индира Ганди хоним бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукуматининг куч-ғайратларини мамлакатингизнинг барча демократик тараққийпарвар кучлари сарфлаётган куч-ғайратларни, неча йилларда бери улар ҳар томонлама Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун изчиллик билан курашаётганликларини юксак қадрлаймиз.

Ҳиндистон билан дўстлик ва ҳамкорлик—Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг ажралмас таркибий қисмидир. Ҳиндистон ҳали мустамлакачилик зулми остида бўлган пайтларда биз сизлар билан ҳамдам бўлган эдик. Янги Ҳиндистон давлатини барпо этиш чоғида биз сизлар билан ҳамдам бўлдик. **(Қарсаклар).**

Биз бундан буён ҳам, қувонч кунларида ҳам, синов кунларида ҳам сизлар билан ҳамдам бўламиз. **(Қарсаклар).**

Муносабатларимиз тўғри йўлдан ривожланиб бормоқда ва пухта заминга асосланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ҳуқуқлар ва сиёсий арбобларнингина эмас, халқларнинг ҳам иши бўлиб қолди. **(Қарсаклар).** Бугунги учрашувимизнинг бутун руҳи халқларимизнинг дўстлиги нақадар чуқур илдиз отганлигининг ёрқин исботи бўлиб хизмат қилади. **(Қарсаклар).**

Дўстлигимизнинг ривожини чўққига кўтарилишга ўхшатса бўлади: биз тобора баланд кўтарилганимиз сари, кўз ўнгимизда янги-янги уфқлар очила боради. Зотан, тобора янги, жозибадор истиқболлар очилмоғи учун янада баланд кўтарила беришни истаймиз.

Ҳинд ва совет халқларининг бузилмас дўстлиги мамлакатларимизнинг бахт-саодати йўлида, дунёдаги ҳамма халқларнинг бахт-саодати йўлида асрлар бўйи яшаверсин ва гуллаб яшнайверсин! **(Қарсаклар).**

Келинглар, ўз олижаноб мақсадларимиз йўлида ҳамжиҳат бўлиб биргаликда ишлайверайлик! **(Давомли қарсаклар).**

ИНДИРА ГАНДИ НУТҚИ

Раис жаноблари!
Жаноби олийлари!
Ҳурматли Бош секретарь жаноблари!

Бу ерга келиб Сиз ҳиндларнинг қалбида мамлакатингизга бўлган муҳаббат ва ҳурмат нақадар улуғ эканлигини ўз кўзингиз билан кўрдингиз ва бунга ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдингиз. Сизни биз атоқли раҳбар бўлганингиз, улуғ мамлакатдан келганингиз, бутун ҳаётингизни Ватанга хизмат қилишга бағишлаганлигингиз учун ва сиз камбағаллар билан мазлумларга ёрдамлашишнинг янги йўлини таклиф қилганингиз учун ҳурматлаймиз.

Биз Сизни яна шунинг учун ҳам табриклаймизки, Сиз жаҳондаги камбағалларнинг ҳаммасига, озодлик учун курашларнинг ҳаммасига ёрдам қилиш қўлини узатдингиз. Кунларнинг бирида менинг отам Жавоҳарлаъл Неру, дўстликни туҳфа қилиш энг катта туҳфа бўлади, деган эди. Сиз бизга мана шундай туҳфани тортиқ қилдингиз.

Бизнинг дўстларимиз кўп ва биз дўстлигимизнинг муттасил ўсиб боришини истаймиз. Биз бу дўстлик даврасига мумкин қадар кўпроқ халқлар киришини истаймиз. Лекин чинакам дўстликни нима билан ўлчаб бўлади? Энг қийин дамлардаги дўстлик чинакам дўстликдир. Бирор кимсанинг бошига кулфат тушганда, бирор кимса таҳликада қолганида — мана шундай пайтларда мадад ва ёрдам берамиз, деган овозни эшитиш, ҳайриҳоҳлик овозини эшитиш, мана шундай пайтларда ёрдам олиш айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Сизлар бир неча марта мана шундай қилгансиз. Сизлар ўтмишда бизга нисбатан буни бир неча марта яққол кўрсатгансиз.

Мустақиллик олмасимиздан олдиноқ сизларнинг биз олиб бораётган озодлик ҳаракати билан бирдам эканлигингизни ҳис қилиб турганмиз. Мустақиллик олганимиздан кейин бизнинг алоқаларимиз яна бошқа сабабларга кўра ҳам мустаҳкамлана бошлади. Аввало бизга йирик саноатни барпо қилишда, иқтимоий секторни ташкил этишда ёрдам керак бўлиб қолди. Сизлар бизга бу ёрдамни берганларнинг биринчиси бўлдингиз. Яқиндагина қолоқ мамлакат бўлган ва бошини кўтара олмай юрган, ўз овозини чиқара олмаган Ҳиндистон мана шу ёрдам туфайли эндиликда тараққиёт йўлидан, социализм йўлидан олга бормоқда. Мана шу туфайли Ҳиндистон шундай мамлакат бўлиб қолди. Бизнинг олдимизда кўпгина проблемалар турибди. Ечилмаган масалаларимиз кўп, бизнинг олдимизда турган қийинчиликлар кўп, лекин содиқ дўстларимиз биз билан бирга экан, ҳинд халқи ўзининг мардлигини сақлаб қолар экан, у ҳамма қийинчиликларни енгиб олга бораверди. Бу рост гап.

Лекин ҳатто қуллиқда қолган вақтларимизда ҳам биз бошқа халқларни унутган эмасмиз, сизлар бизга ҳар доим дўстлик қўлини узатганингиз каби, худди шундай биз ҳам озодлик кураши қаерда бўлмасин — Осиёдами ёки Африкадами— ҳар доим уни баралла қувватлай бердик. Ўша вақтларда бизнинг бу ёрдамимиз Ҳиндистоннинг ёрдами ҳар канча заиф бўлса ҳам, лекин биз озодлик курашига ўз ёрдамимизни аямадик. Бизни қўрқитишга уринганлар кўп эди, қўплар бизнинг овозимизни учиришга уринган кўрдилар, лекин бу овоз—Ҳиндистоннинг овози — ҳар доим янграб турди. Ўша вақтларнинг ўзидаёқ Ҳиндистон ҳам бу ҳаракатларга мумкин бўлган ва қўлидан келган ҳамма ёрдам ва мададни бериб турди.

Сизлар бизга ҳамиша ёрдам бериб келдингиз, лекин кейинги икки-уч йил ичида бизга берган ёрдамингиз айниқса сира эсимиздан чиқмайди. Бу ёрдамни айниқса унутмаймиз. Ўзингизга маълумки, бугун бу ерда тўпланганлар фақат Деҳлидаги ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиздангина иборат эмас, бугун бу ерда Ҳиндистоннинг кўпгина штатларидан келган одамлар ҳам тўпланган. Сиз ойбатта шуни ҳам биласизки, бу ерда айтилаётган гапларни фақат шу майдонда тўпланганларгина эшитаётгани йўқ. Айни шу вақтнинг ўзида бу ердан бир неча минг миля олисдаги совет халқи ҳам бизни кўриб ва эшитиб турибди.

Сиз ўзингиз ҳам билсангиз керак, бошимизга кулфат тушиб, 10 миллион нафар қочоқ мамлакатимизга ўтганида, шундан сўнг эса уруш бошланиб кетганида кўп кишиларга ўша вақтда Ҳиндистон якка ёлғиздек ва уни ҳеч ким қувватламайдигандек бўлиб кўринган эди.

Буни Сиз билсангиз керак, ўша вақтда мен ҳақиқий аҳволни тушунтириб бермоқ учун кўпгина мамлакатларга сафар қилиб боришимга тўғри келган эди. Бунинг оқибати фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, фақат Бангладеш учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё учун қандай бўлганлигини ҳам Сиз биласиз.

Ўша вақтда Сиз бизнинг овозимизни эшитдингиз, ҳақиқий аҳволни ҳамиша тушунуб турдингиз — икки томонлама музокаралар олиб бораётган вақтимизда ҳам, ёки халқаро майдонда ҳам Сиз ҳар доим бизнинг ва Бангладешнинг дўсти бўлиб қолавердингиз.

Бу дўстлик бизга тағин ҳам каттароқ ишонч ва куч бағишлади. Шартнома тузишни илгари ҳам биз истаб юрган эдик. Аммо шундай бўлса ҳам ўша мушкул пайтдаги Сизларнинг ёрдамингиз ва дўстлигингиз мамлакатларимиз ўртасида илгари ҳам мавжуд бўлиб келган дўстлик алоқаларини шартнома тузиб янада кўпроқ мустаҳкамлашимизга асосий сабаб бўлдики, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Бизнинг дўстлигимиз бошқа бирор учинчи мамлакатга қарши қаратилмаганлигини илгарилари ҳам айтганман. Совет Иттифоқи билан дўстлигимизнинг бошқа бирор учинчи мамлакатга қарши қаратилиши учун ҳеч қандай асос йўқ. Сизлар ҳам деярли ҳамма мамлакатлар билан дўст бўлиб келмоқдасиз. Ҳудди шунингдек биз ҳам дўстлигимизнинг шу соҳасини кенгайтиришга интилмоқдамиз. Шу сабабли Совет Иттифоқи билан тузган мана шу шартнома ҳам бошқа бирор мамлакатга қарши қаратилган эмас. Тинчлик ва адолат иши учун, бошқа мамлакатларни қувватлаш иши учун қилганларимизнинг ҳаммаси фақат бизнинг кучимизга куч қўшиб қолмасдан, шу билан бирга, бундан бутун дунёда тинчлик ва адолат иши ҳам манфаатланди деб ҳисоблаймиз.

Ўтган йил Ҳиндистон учун нақадар қийин йил бўлганлигини ҳаммангиз биласиз, албатта. Бизга қурғоқчилик кулфатини тортишга тўғри келди. бизнинг халқимиз, қийинчиликлардан қўрқмайдиган меҳнатсевар халқимиз ҳам ҳатто, бу кулфатни кўриб ҳаяжонга тушиб қолди. Бошқалар йўлдан оздиришга уринганлигига, танланган йўлдан тойдиришга уринганлигига қарамай, ҳамма қийинчиликларни шараф билан енгиб, танлаб олинган йўлдан боришни давом эттираётган кишиларимизнинг ҳаммасига бугун мен ташаккур айтмоқчиман. Ўша вақтда бизга дон етишмагайдек бўлиб кўрина бошлади, чунки ўзларингизнинг ҳам эсингизда бўлса керак, четдан бизга мол етказиб беришнинг ҳаммаси ва ҳатто четдан олиб турган ёрдамимиз ҳам тўхатиб қўйилган эди, нарх-наво жуда кўтарилиб кетиб, бирор нарса сотиб олиш ниҳоят даражада қийин бўлиб қолган эдики, бизда на пул, на дон қолмаган эди. Ҳатто ўшандай қийин вақтда ҳам Сизлар бизга ёрдам қўлини узатдингиз ва, Ҳиндистон миллий конгресс партиямизнинг раиси айтиб ўтганидек, бизга ғалла юборингиз. Биз бунинг учун Сизлардан роҳат миннатдормиз.

Сизларда бўлган революция Ҳиндистонда бўлган революциядан фарқ қилади. Сизлар ўзгача йўлдан бордингиз, бизнинг йўлимиз сизларникидан бирмунча фарқ қилди. Шундай бўлса ҳам, тинчликни қандай қилиб сақлаб қолиш, халқаро кескинликни қандай қилиб камайтириш каби масалаларда бизни бирлаштириб турган кўпгина нарсалар бор. Шу сабабли Сиз халқаро кескинликни камайтириш учун жуда кўп ишлар қилганлигингиз важидан бугун биз Сизни алоҳида табриклямоқдамиз.

Мустаҳкам тинчлик бўлиши мумкинмикин, буни айтиш қийин, лекин биз шуни қатъий айтишимиз мумкинки, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолмоқ учун ўз томонимиздан биз ва бутун Ҳиндистон халқи аввалгидек бундан бўён ҳам кучимизни аямаймиз. Бизнинг мамлакатимиз ўз вазифаларини бажара олади. Биз эса халққа берган ваъдаларимизни тинчлик бўлган тақдирдагина бажара оламиз.

Бизнинг таклифимизни қабул қилганлигингиз ва жуда кўп иш билан банд бўлганлигингизга қарамай, гарчи бир неча кунга бўлса ҳам Ҳиндистонга келганлигингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз. Сизни хушнудлик ва меҳмондўстлик билан кутиб олишда фақат ҳукуматимизнинг ўзигина қатнашмаётганлигини яққол кў

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИ ЯГОНА ОИЛАСИДА

ЛИТВА ССРГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ВИЛЬНЮС, 28 ноябрь. (ТАСС мухбирлари В. Куликов, Э. Васердамас). Балтиканинг ложувард соҳилларидан тортиб шарқий Литванинг қўллар ўлкасигача — республиканинг бутун территорияси-да бугун катта шодиёна ва порлоқ байрам. Совет Литваси байроғидаги Ленин ордени ёнида Литва халқининг барча қардош совет халқлари билан бузилмас бирлиги рамзи бўлган Халқлар дўстлиги ордени порлай бошлади. Республиканинг коммунистик қурилиш ишига, социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини Ватан шу юксак мукофот билан муносиб равишда тақдирлади.

Совет Литвасининг пойтахти — Вильнюс лоларанг байроқлар ва ранг-баранг транспарантлар билан безатилди. Республикага юксак мукофот топширилиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун келган жуда кўп меҳмонларни қадимий, аммо навқирон шаҳар қучоқ очиб кутиб олди.

Литва Компартияси Марказий Комитети билан республика Олий Советининг спорт саройи катта залида ўтказилган қўшма тантанали мажлисига Литва Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Советининг ва Литва ССР Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари келдилар.

Тантанали мажлисни Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускас очди. Республика меҳнаткашлари Ватанининг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени берилганлигини зўр хурсандчилик ва завқ-шавқ билан кутиб олдилар, деб таъкидлади. У. Бу ордени улар совет Литваси ишчилари, колхозчилари, зиёлилари қилган фидокорона меҳнатнинг тақдирланиши деб, Литва халқининг социалистик интернационализм, қардош халқлар дўстлиги идеалларига содиқлиги эътироф этилиши деб баҳолаётган эдилар.

Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи ва Литва ССР давлат гимнлари янграйди.

Литва ССРнинг байроғи ва КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эсдалик байроғи залга олиб кирилади.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловга сўз берилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва шахсан Марказий Комитетнинг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев номидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан М. А. Суслов тантанали мажлис қатнашчиларини ва Совет Литвасининг барча меҳнаткашларини Ватанининг юксак мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени билан самимий табриклади. Литва СССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, халқларимизнинг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатини иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун шу орден билан мукофотланди.

Республикангининг мукофотланиши, деди М. А. Суслов, тўлқинлантирувчи, шодиёна воқеадир. Бир вақтлар Литвада ишлагани учун ҳам бугун социалистик Литванинг хизматлари ва ютуқларига берилган юксак баҳо туфайли зўр мамнуният туйғусини сизлар билан баҳам кўриш менга айниқса ёқимлидир.

Литва ССР кўп миллатли социалистик давлатимизнинг ёш республикаларидан бири. Литва халқи Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимиятини қайта тиклаб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига кирган 1940 йилдан бери орада ўтган муддат тарихий жиҳатдан унчалик катта эмас. Бироқ, шу вақт ичида Совет Литваси ўзининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожида капиталистик тузум шароитида хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган мислсиз муваффақиятларга эришди.

Ҳозирги Литва — улуғ Совет Республикалари Иттифоқи составидаги тенг ҳуқуқли республикалар орасида гуллаб-яшнаб турган тенг ҳуқуқли социалистик республикадир. Республика экономикасини қуришда, халқ фаровонлигини оширишда, маданиятни ривожлантиришда, уни барқ уриб яшнаб турган ўлкага айлантиришда Литва эришган ҳамма муваффақиятлар — Литва халқининг ўзи қилган ишлари, фидокорона меҳнатнинг натижасидир, шу билан бирга бу Литва халқининг Советлар мамлакатидаги бошқа барча халқлар билан, аввало, улуғ рус халқи билан ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлиги, ўзаро ёрдамлашуви ва бузилмас дўстлигининг натижаси ҳамдир.

Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлиги — социалистик жамиятнинг энг буюк ғалабаларидан биридир. Чуқур тарихий илдиз отган бу дўстлик совет тузумининг мустаҳкам социал-иқтисодий ва сиёсий замонида. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширганлиги натижасида қарор топди.

Социализм туфайли юзага келган совет социалистик миллатларининг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами социал тараққиётнинг буюк ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, қудратли бунёдкорлик ғайратини жўш урдирмоқда.

Сўнгра М. А. Суслов КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида совет экономикаси эришган муваффақиятларга, тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришнинг баъзи бир якунларига тўхталиб ўтди.

Совет экономикаси муваффақиятли равишда ривожланаётганлиги, деди М. А. Суслов, беш йиллик планнинг энг асосий вазифасини изчиллик билан рўёбга чиқариш — халқнинг моддий фаровонлиги ва маданиятини анча оширишни таъминлаш имконини беради. Беш йиллик бошланганидан бери аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 13,5 процент ортди. Халқ истеъмол қиладиган молларга бўлган талаб анча тўлиқ қондирилмоқда. Уй-жой қурилиши, шунингдек, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари қурилиши кенг миқёсда кизитиб юборилди. Совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари мунтазам равишда яхшиланмоқда. Келгусида мамлакат меҳнаткашлари олдида порлоқ ва қувончли истиқболлар очилмоқда.

Беш йиллик топшириқларини рўёбга чиқаришга Совет Литваси салмоқли ҳисса қўшмоқда, деб таъкидлади М. А. Суслов. Тўқкизинчи беш йиллик план муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан белгиланган ўн ойлик план 102 процент бажарилди. Кўпгина коллективлар, Литванинг минглаб меҳнаткашлари социалистик мусобақага қўшилиб, беш кунлик топшириқларни тўрт кунда бажариш учун курашмоқдалар. Литва республикасидаги индустриал меҳнат илғорлари — энг яхши ишчилар: бинокор Анта-нас Смалакис, слесарь Юозас Сикорскис, бригадирлардан Любовь Долгополова ва Болеслав Милто, машинист Ионас Шимукаускас ва бошқа кўпгина кишиларнинг номлари совет кишиларига яхши маълум. Улар социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар, уларнинг намунаси беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришда барча меҳнаткашларни илҳомлантирмоқда.

Ҳозирги энг муҳим вазифа техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини мутлақо ўстириш, маҳсулот сифатини ошириш, капитал қурилишни жадаллаштириш, қаттиқ тежаш ва иқтисод қилиш, юксак меҳнат унумдорлиги асосида бутун ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини анча оширишдан иборат. Бу эса ҳар бир совет кишисидан меҳнатга ижодий, чинакам новаторлик билан қарашни, ҳозирги замон фан ва техникасининг, илғор практиканинг жамики ютуқларини, энг яхши ишчиларнинг тажрибасини социалистик ишлаб чиқаришга хизмат қилдира билиш маҳоратини талаб этади.

Совет Литвасининг меҳнатчилари ҳам кўп иш қилишлари керак, — деди М. А. Суслов. Шу тантанали кунда биз камчиликларни ҳам унута олмаймиз. Масалан, бу йил республиканинг бир қанча саноат корхоналари меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаётир. 46 корхона 1973 йилнинг 10 ойида маҳсулот реализация қилиш планини бажармади. Капитал қурилишда ва янги корхоналарнинг лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда катта-катта камчиликлар бор.

Ривожланган социалистик жамиятнинг социал-сиёсий муносабатлари, — деди сўзини давом эттириб нотиқ, — барча синфлар ва социал группаларнинг, ҳамма миллатлар ва элатларнинг коммунизм бинокорлари ягона қудратли коллективига янада маҳкамроқ жиҳатлашиши билан, социалистик демократиянинг ривожланиши билан, ўз меҳнат коллективининг ва бутун жамиятнинг ишларини идора қилишда меҳнаткашлар иштирокининг кенгайиши билан характерланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — коммунизм бутун буюк қурилишининг ташкилотчиси ва раҳбаридир, интернационалист ленинчилар партиясидир. Партиямиз ўзининг синфий табиатига, идеологиясига ва сиёсатига кўра, ўзининг ғоялари ва амалий ишларига кўра, ўзининг состави ва тузилишига кўра интернационал партиядир. Партия СССР меҳнаткашлари бузилмас дўстлигининг, бутун совет халқи маънавий ва сиёсий бирлигининг энг ёрқин тимсолидир.

Ленин позицияларида маҳкам турган, коммунизм қуриш буюк ишига садоқатли Литва Коммунистик партияси КПССнинг жанговар отрядларидан биридир. Совет Литвасининг муваффақиятлари ва ютуқларида Литва Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети, республикадаги барча партия ташкилотларининг хизмати катта. Совет. касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

М. А. Суслов халқаро аҳволнинг баъзи бир масалаларига батафсил тўхталиб, кейинги вақтларда кескинликни юмшатиш борасида содир бўлаётган жараёнлар КПСС XXIV съездининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўли муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлигини зўр куч билан тасдиқлайди, деб таъкидлади.

Халқаро муносабатларда яхшилик сари бўлаётган бурилиш жаҳон жамоатчилиги бизнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатимиз билан, КПСС XXIV съезди таклиф этган Тинчлик программасининг муттасил амалга оширилиши билан, КПСС, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Бош секретари Л. И. Брежневнинг фаолияти билан боғламоқдаки, биз бу билан фахрланамиз, деди М. А. Суслов. Л. И. Брежневга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти муносиб равишда берилди, Ўртоқ Брежневнинг шу кўнларда Ҳиндистондаги визити тинчлик ишини янада мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бизнинг мақсадимиз — кескинликни юмшатиш жараёнини, давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришни муқаррар тус олдиришдан, танч-тотув яшаш принципларини халқаро муносабатларнинг ҳамма эътироф этган ва ўзгармас нормаси сифатида қарор топтиришдан, дунёнинг ҳамма қитъалари ва районларидаги кескинликни ҳам юмшатишга эришишдан иборат.

Бизнинг халқаро сиёсатимиз бутун тинчликсевар тараққийпарвар жамоатчилик томонидан кенг қўлламда эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Тинчликсевар кучларнинг яқиндагина Москвада тамом бўлган жаҳон конгресси бунинг яққол намойиши бўлди. Турли маслақдаги сиёсий партияларнинг, касаба союз, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари конгресс минбаридан туриб Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги фаолиятига юксак баҳо бердилар, тинчлик учун курашдаги умумий талабларни таъриф-лаб бердилар, бу талаблар моҳият эътиборига кўра, КПСС билан Совет давлати олдида турган вазифаларга мос келади.

Совет халқи олдида, деди М. А. Суслов, ҳозир жуда катта аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш учун яхши истиқболлар очилмоқда. Бу вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимизда коммунизм қурилиши учун, социалистик ҳамдўстлик билан жаҳон коммунистик ҳаракатининг позицияларини мустаҳкамлаш учун янада қулайроқ шароитларни яратиб беришига, бутун дунё халқларининг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларининг кўз ўнгида Совет Иттифоқи обрў-эътиборининг янада баланд кўтарилишига шак-шубҳа йўқ.

М. А. Суслов СССР Олий Совети Президиумининг Литва ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида ўқиб эшитирди ва Ватанинг юксак мукофотини республика байроғига тақиб қўйди.

М. А. Суслов тўпланганларни юксак мукофот билан яна бир бор табриклаб, кўш орденли Литва Совет Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари Ватанининг юксак мукофотига жавобан бутун совет халқининг бахт-саодати йўлида, коммунизм йўлида янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб астойдил ишонч билдирди.

М. А. Сусловнинг нутқи давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус жавоб нутқи сўзлади.

Халқлар дўстлиги ордени биз учун мамлакатимиздаги барча халқлар билан қўлма-қўлга бериб босиб ўтган бутун йўлимизнинг бир тимсолидир, деди у. Бу орден бизни улуғ Ватанимиздаги барча халқлар билан ягона бир сафда туриб келажакда эришиладиган янги ғалаба-ларга чорлайди.

Бугун, мана шу қувончли дамларда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, биз Совет Литвасининг кўп миллатли давлатимиз халқлари аҳил оиласида босиб ўтган катта йўлига яна ва яна фикран назар ташлаймиз. Республикамиз меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб, Совет Ватанидаги барча халқларнинг, аввало, рус халқининг ҳар томонлама бегараз берган ёрдами туфайли халқ ўжалиги, фан, маданиятнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришди. 1973 йил охирига бориб Совет Литваси саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми урушдан аввалги даражадан 39 баравар ошиб кетади. Қишлоқ хўжалик ходимлари буржуа тузуми шароитидаги энг серҳосил йилларга қараганда ҳам икки баравар мўл ҳосил олмоқдалар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 2,4 баравар кўпайди. Шаҳар ва қишлоқлар йил сайин ўсиб, ободонлашмоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошмоқда.

А. Ю. Снечкус мамлакат экономикасининг муваффақиятли ривожланиши партиямиз билан Совет давлатининг бутун ташқи сиёсати билан, СССРнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил ўсиб бораётганлиги билан узвий равишда боғлиқ эканлигини таъкидлади.

КПСС XXIV съезди ишлаб чиқиб, қабул этган Тинчлик программаси аниқ мақсадни кўзлаб нақадар активлик билан амалга оширилаётганлигини, бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев нақадар буюк ишларни қилаётганликларини ҳар бир совет киши-си ўз кўзи билан кўриб турибди, деди нотиқ.

Литва халқининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун А. Ю. Снечкус КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик изҳор қилди ҳамда республика партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари партия XXIV съезднинг қарорларини шараф билан бажариш учун, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети раҳбарлигида янгидан-янги ғалабаларга эришиш учун куч-қувватларини аямайдилар, деб ишонтирди.

Вильнюсдаги қурилиш-пардозлаш машиналари заводи созловчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. И. Милто, Паневежис районидаги Марите Мельникайте номли колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутати Ю. П. Лейшис, Литва ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю. Ю. Матулис, Вильнюс давлат педагогика институтининг студенти Б. И. Бажагайте тантанали мажлис минбарига чиқиб, Совет Литвасининг социалистик Ватан равнақи умумий ишига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС ленинчи Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини айтдилар. Улар шуни таъкидладиларки, Литва халқи, Ватанинг мукофотига жавобан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудрати ва равнақи йўлида бундан ҳам унумли ва ижодий ишлар қилишга катта бел боғлаган. Совет Литвасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари мамлакатнинг барча халқлари билан ягона бир сафда туриб партия белгилаб берган йўлни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бундан буён ҳам ҳормай-толмай ишлай берадилар, халқлар дўстлигини кўз қорачиғидек асрайдилар, улуғ Ленин кўрсатиб берган йўлдан муттасил олга бораверадилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ Ш. Д. ШАРМА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ДЕҲЛИ, 28 ноябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси доктор Ш. Д. Шарма билан суҳбатлашди.

Л. И. Брежнев ва Ш. Д. Шарма Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ҳозирги аҳволи тўғрисида ва бу муносабатларни янада кенгайтириш учун нималар қилиш мумкин ва кераклиги ҳақида самимий вазиятда фикрлашиб олдилар.

Суҳбат давомида КПСС билан Ҳиндистон миллий конгресс партияси ўртасида алоқаларга доир баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Л. И. Брежнев мамлакат экономикасини ҳамда халқ фаровонлигини янада юксалтиришни таъминлаш юзасидан КПСС XXIV съездида қўйилган вазифаларни бажариш йўлида КПССнинг фаолияти тўғрисида, шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун олиб бораётган кураши тўғрисида батафсил гапирди.

Ш. Д. Шарма Ҳиндистоннинг барча демократик, прогрессив кучларини тинчликни мустаҳкамлаш, социал тараққиёт, ҳар иккала мамлакат халқлари бахт-саодати йўлида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш борасида Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг фаолияти тўғрисида Л. И. Брежневга ахборот берди.

УРТОҚ М. А. СУСЛОВНИНГ ЛИТВАДА БУЛИШИ

Илгари хабар берилганидек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси Ўртоқ М. А. Суслов 27 ноябрда Литвага келган эди. М. А. Суслов шу куниёқ Каунасда бўлди. У В. И. Ленин ҳайкали ёнига гуллар қўйди.

М. А. Суслов «Октябрь 50 йиллиги» сунъий тола заводида цехларни кўздан кечириб, социалистик мусобақанинг борши билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди.

Сўнгра у Каунас политехника институти радиоэлектроника ва автоматика факультетларининг ўқитувчилари ва студентлари билан учрашди. М. К. Чюрлионис бадиий музейини бориб кўрди.

Тушдан кейин М. А. Суслов Каунас районидаги С. Нерис номли колхозда бўлди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус, республиканинг бошқа раҳбарлари М. А. Суслов сафарида у билан бирга бўлишди.

М. А. Суслов кечқурун Вильнюсда Литва Компартияси Марказий Комитетида Литва ССР раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Литва Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Литва Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирлари, бошқа раҳбар партия ва совет ходимлари, Балтика бўйи ҳарбий округининг ва икки марта Қизил Байроқ орденли Балтика флотининг раҳбарлари иштирок этдилар.

ВИЛЬНЮС, 28 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов бугун Вильнюс ёғлиғ аппаратлари заводини бориб кўрди. У ишлаб чиқариш билан ва тўқкизинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажаришга завод коллективини сафарбар этишда партия ташкилотининг иши билан танишди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари республика Фанлар академиясининг химия ва химия технологияси институтида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан қизиқди.

М. А. Суслов В. И. Ленин ҳайкалига гулчамбар қўйди. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали И. Д. Черняховский ҳайкалига ҳамда совет жангчиларининг қардошлик қабристонига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

М. А. Суслов уй-жой қурилишининг борши билан танишди. Шаҳарнинг янги микрорайонларида М. А. Суслов билан Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечкус ва республиканинг бошқа раҳбарлари билан бўлишди.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети қишлоқ хўжалиги доимий комиссиясининг мажлиси бўлди. Депутатлар саноат корхоналарининг область колхоз ва совхозларига кўрсатаётган оталиқ ёрдами тўғрисида Фарғона область ижроия комитетининг ҳисоботини тингладилар.

Комиссия муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсияномалар қабул қилди. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 28 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — хайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш проценти

Тошкент	215,7	102,6
Хоразм	7,8	97,4
Сирдарё	254,5	87,6
Самарқанд	194,4	81,9
Андижон	123,6	70,7
Фарғона	56,7	57,2
Сурхондарё	67,3	47,9
Наманган	57,3	42,6
Бухоро	75,1	41,1
Қашқадарё	51,3	36,2
ҚҚАССР	15,2	22,3
Республика бўйича:	1118,9	66,3

ТАБИАТНИ ҚЎРИҚЛАШ ЖАМИЯТИ СОВЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

27 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон табиатни қўриқлаш жамияти республика советининг пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида ўтказиладиган тадбирлар муҳокама қилинди. Жамият республика совети президиумининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин доклад қилди.

Белгиланган тадбирлар 1974 йилда республиканинг ҳар бир областида жамиятнинг кучлари ва маблағлари ҳисобига эсдалик боғлари барпо этилишини, бир қанча китобчалар, плакатлар, лекция текстларини тайёрлаш ва чиқаришни, жонажон ўлка табиатини қўриқлашни яхши ташкил этиш конкурслари ўтказилишини кўзда тутади. (ЎзТАГ).

ТАНҚИДЧИЛАР ЎЗ ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШМОҚДАЛАР

26 ноябрда Тошкентда адабий бадиий танқидчиликка бағишланган уч кунлик республика семинари иш бошлади. Семинарни Ўзбекистон журналистлар союзи ва театр жамияти, Ҳамза номидаги санъатшунослик институти уюштирган.

Семинар қатнашчиларя КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик тўғрисида»ги қарори талаблари асосида республика, область ва шаҳар газеталарининг шу соҳадаги фаолиятини таҳлил қилиб, республикада танқидчиликни янада такомиллаштириш тадбирларини белгиладилар. (ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ҲАМКОРЛИК МАЖЛИСИ

ПРАГА. (АПН мухбири). Яқинда Чехословакиядаги Нимбурк шаҳрининг ҳисоблаш маркази Белоруссиядан «Минск-32» моделли янги электр-ҳисоблаш машинасини қабул қилиб олди.

— «Минск-32» машинасининг келтирилиши марказ ходимлари учун ажойиб воқеа бўлди, — дейди унинг директори инженер Вацлав Шубрта. Бундан илгари келтирилган «Минск-22» эса мана тўрт йилдан бери бетўхтов ишлаб турибди, биздан эса унинг яхши ишлаётганидан хурсандмиз.

С. Оржоникидзе номидаги Минск ҳисоблаш машинаси корхонаси билан ЧССРнинг Нимбурк шаҳридаги завод ўртасидаги дўстлик анчадан бери давом этиб келаётир. Минскда электр ҳисоблаш машинасини ишлаб чиқаришга киришилган кундан кейиноқ совет ва чехословак мутахассислари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланиб кетди. «Минск» маркали биринчи электр ҳисоблаш машинаси 1964 йилдаёқ Чехословакияга юборилган эди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги муваффақиятли равишда кенгайиб бормоқда.

КУПҚАВАТЛИ БИНОЛАР

БЕРЛИН. (АПН мухбири). ГДРнинг серқатнов магистралларидан ҳисобланган Франкфуртер хиёбонида 40 дан ортиқ қўқаватли бинолар қад кўтарди, тўрт мингдан ортиқ оила янги уйларга кўчиб кирди. Икки ярим йил мобайнида қурилган бу янги бинолар кун сайин ободонлашиб бораётган Берлин ҳуснига-ҳусн қўшиб турибди.

Республика пойтахтининг шу райони яқинида ўн уч минг аҳолига мўлжалланган янги ўн бир қаватли уй-жой биноси қурилаётир.

ГДР ташкил топган кундан бошлаб Франкфуртер хиёбонида 120 мингга яқин янги квартиралар қурилди.

БОҒДОРЧИЛИК КЕНГАЙМОҚДА

ПХЕНЬЯН. (АПН махсус мухбиридан). Богдорчилик КХДР қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Ҳар йили 20-30 минг гектар ерда боғ ва узумзорлар барпо этилаётир. Корея чет элларга, шу жумладан Совет Иттифоқига кўплаб мевалар жўнатиб турибди.

Богдорчилик кўпгина қишлоқ хўжалик кооперативларига олинаётган даромаднинг ярмидан ортиғини бермоқда. Жанубий Хамген вилояти ўз боғлари билан республикада донг таратган. Бу вилоятда кейинги ўн йиллар мобайнида мевали боғлар қариб 3 баравар кенгайди.

КХДРда ҳозир йилига бир миллион тоннагача мева етиштириш вазифаси муваффақиятли равишда амалга оширилаётир.

БУГУН — ЮГОСЛАВИЯ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Совет Қуролли Кучлари Волқонга чиқиб олганидан руҳланган югослав озодлик кучлари Йосип Броз Тито бошчилигида мамлакатнинг фашизмдан озод қилинган қисмида Югославия Халқ озодлиги антифашист вечесининг иккинчи мажлиси бўлди ва Озодлик Миллий комитети тузилди. Бу комитет 1-Халқ ҳукуматининг қуртаги бўлди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1945 йил 29 ноябрда монархия ағдариб ташланди ва Югославия Халқ Федератив Республикаси эълон қилинди.

Халқ ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, югослав халқи коммунистлар етакчилигида уруш жарохатларини тузатишгина қолмай, халқ хўжалигини тиклаш, Югославияни социалистик йўлдан ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда мислсиз ютуқларга эришди. Масалан, саноат ишлаб чиқариши 1947 йилдагига нисбатан 15 баробар ўсди.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳозир республика қишлоқ хўжалигида ишга яроқли аҳолининг 44 процентга яқини банд бўлиб бу соҳада ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 3,5 процентни ташкил этмоқда. Чорвачилик ҳам мўлжалдагидан кўра жадал ривожланмоқда. Лекин мамлакат экономикасида кўпгина қийинчиликлар борлигини партия ва давлат раҳбарлари таъкидлаб ўтмоқдалар. Халқ хўжалигининг баъзи соҳалари ўртасида узилиш рўй бермоқда, ишлаб чиқариш кучлари бир хил жойлаштирилмаган ва бунинг натижасида баъзи бир республикалар ва районларнинг ривожланишида кескин фарқ сезилмоқда.

Мамлакат экономикасидаги бу қийинчиликларни бартараф этиш учун конкрет тадбирлар белгиланмоқда. Шунинг учун ҳам 1972 йилда Югославия миллий даромади 1971 йилга нисбатан олти процентга, меҳнат унумдорлиги 3,7 процентга ўсди. Ўтган йили 32,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинди. 31 миллион тонна кўмир, 3,2 миллион тонна нефть қазиб олинди. 1,8 миллион тонна чўян, 2,6 миллион тонна пўлат эритилди. 110 мингта енгил ва 13 ярим мингдан кўпроқ юк автомобиллари ишлаб чиқарилди.

Югославия Социалистик Федератив Республикасида фан, маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатда мажбурий саккиз йиллик таълимга ўтилди. Ўтган ўқув йилида 436 та гимназия ва 626 та техникум ишлаб турди. 9 та университет ва бошқа олий ўқув юртларида 300 мингга яқин студент ўқимоқда. Лекин мамлакатда саводсизлик ҳали тугатилганича йўқ. Еши ўндан ошганлар орасида саводсизлар 15 процентни ташкил этади.

Кейинги йилларда Югославия Коммунистлар Союзи ва ишчилар синфининг раҳбарлик ролини ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишга синфий ёндашиш, социализмга ёт бўлган гоя ва интилишларга зарба бериш борасида катта ишлар қилинди.

1974 йилнинг биринчи ярмида Югославия Коммунистлар Союзининг X съезди бўлади. Унда Югославия Социалистик Федератив Республикасининг янги конституцияси қабул қилиниши керак. Шу муносабат билан халқ оммасининг сиёсий активлиги ҳар қачонгидан кўра кучайиб кетди. Коммунистлар Союзи ишчилар синфининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги раҳбарлик ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатда социалистик демократияни ривожлантириш ва бошқаришда ишчилар синфи вакилларининг тўла иштирокини таъминлаш учун шароит яратиб бериш каби муҳим ишларни амалга оширмоқда.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси ташқи сиёсатда миллий суверенитетни ва тенг ҳуқуқлилиқни ҳурмат қилиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш ва социалистик интернационализм принципларига амал қилиб келмоқда. Югославия ҳозирги пайтда 108 та мамлакат билан дипломатик алоқаларда бўлиб, 120 дан ортиқ давлат билан савдо-сотиқ ишларини олиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам никкала мамлакат партия ва ҳукуматлари раҳбарларининг ўзаро фойдали визитлари ва уларнинг натижалари кейинги йиллардаги ҳамкорликнинг бой самараларида яққол кўриниб турибди. Совет-Югославия иқтисодий алоқалари айниқса кенгаймоқда. Шу беш йилликнинг ўзида никкала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ алмашинуви бир ярим баравардан зиёд кўпаяди. Совет Иттифоқининг ҳамкорлигида Югославия территориясида 90 дан ортиқ объект қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Шулардан 32 таси ишга туширилди. Улар тўла фойдаланишга топширилгач, мамлакатда пўлат эритиш, темир, қўрғошин, рух ва боксит қазиб олиш анча кўпаяди. Бу ўн мингдаб югослав меҳнаткашларини иш билан таъминлаш имконини беради. Бундай ҳамкорлик никкала мамлакат учун ҳам жуда фойдалидир.

Қардошлик ва социалистик интернационализм принципларига амал қилиб келаётган югослав халқи ўзининг синалган коммунистик партияси раҳбарлигида социализм биносини барпо этмоқда. Биз уларнинг мана шу ҳайрли ишида муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ТОЖИБОЕВ.

КУН ТАРТИБИДА—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

СССР Фанлар академияси илмий совети Ўрта Осиё комиссиясининг «СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш» проблемасига бағишланган ва Тошкентда икки кун давом этган мажлиси тугади.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон илмий муассасалари ва план органлари вакилларининг докладлари, ахборотлари муҳокама қилинди. Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг территориялари қамраб оладиган системаларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилди. Булар — бирлашган энергия системасини, нефть ва газ саноатини, нефть ва газ қувурлари шохобчаларини ривожлантириш, хом ашё, сув ресурслари ва бошқа ресурслардан комплекс фойдаланиш масалаларидир.

Таҳдим этилган материаллар Ўрта Осиё республикаларини келгусида ривожлантиришнинг йўналишларини ва шу республикаларнинг энг муҳим халқ хўжалик

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Серқуёш ўлкамиз меҳнат аҳли катта тантанага ҳозирлик кўрмоқда. Декабрнинг 5-6 кунлари анъанавий «Ҳосил байрами» бўлиши расмий равишда эълон қилинди. Шу муносабат билан мухбиримиз республика автомобиль транспорти министрининг ўринбосари М. Ғозиев ҳамда пойтахт область Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Хван билан суҳбатлашди. Ғап, байрам кунлари Тошкент отчопарига йўл олувчиларга транспорт хизмати кўрсатиш қандай йўлга қўйилади, колхозчилар ўзларининг катта тўйларига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида борди.

М. ҒОЗИЕВ — Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрининг ўринбосари.

— Галдаги «Ҳосил байрами» катта тантаналорлиги билан фарқ қилади. Миқоллардан тонналаб дур йиққан марду майдон пахтакорлар улкан зафар қучдилар. Она-Ватан хирмонига 4.900 минг тоннадан ортиқ пахта ғолди. Пахта ижодкорларининг байрамини муносиб ўтказиш учун биз транспорт ходимлари ҳам шай бўлиб турибмиз. Машиналар штурвалини тутган шоферларимиз деҳқонлар хизматида бўламиз, дейишяпти. Маълумки, байрам кунлари отчопарга пахтакорлар шодлиги ва қувончини баҳам кўриш учун, дала шунқорларини муборакбод этиш учун шаҳарлик ишчилар-у, студентлар, шифокорлар-у-инженерлар, санъаткорлар-у созандалар йўл оладилар.

Байрам қатнашчиларига транспорт хизматини намунали кўрсатиш учун олдиндан режа тузилди. Икки кун мобайнида транспортнинг барча турлари эрта саҳар—соат 5-6 лардан ҳаракатга келади. Пахтакорларнинг кузги тўйлари тантанаси бошлангунга қадар отчопарга чорланганларни ўз вақтида етказишга ҳаракат қиламиз. Байрам қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча 300 такси машинаси, алоҳида маршрутли таксилар ажратилади. Шаҳарнинг «Шимолий Шарқ», «Шимол», «Октябрь», «Янгиобод», «Қорақамиш» ва Чилонзор сингари янги массивларида истиқомат қилаётганларга қўшимча автобуслар хизмат кўрсатади. Уларнинг сони яна 10-15 тага кўпайтирилади. Булардан ташқари Калинин майдони, тўқимачилик комбинати, Чилонзорнинг Оқтепа майдони ва театр майдони атрофларида алоҳида «Экспресс» автобуслар ҳаракати йўлга қўйилади.

Пойтахт областининг Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ сингари шаҳарларидан келувчиларга ҳам транспорт хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланади. Республикамиз областларидан ташриф буюрган меҳмонларга алоҳида машиналар хизмат кўрсатади.

М. ХВАН — «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

— Пахтакорларимиз бу йил республика хирмонига 7 минг тоннадан зиёд пахта тўқдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига қарийб 40 центнерга етказилди. Бу пландагидан 1400 тонна кўп. Ҳосилнинг 80 процентини механизаторларимиз «зангори кема»ларда териб беришди. Лубкорларимиз ҳам гектаридан 216 центнердан тола олишга эришдилар. Хуллас, хўжалигимиз аъзоларининг ютуқлари бу йил зафарли бўлди. Шу боисдан ҳам пахтакор-у чорвадорларимиз ўзларининг байрамларини мамнуният билан қувонча тўлиб қаршиламоқдалар.

Байрам куни колхозимиз вакиллари эришган ютуқларини акс эттирувчи йирик панноли расмларни ва стендларни кўтариб ўтадилар. Спортчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиш учун шайланишяпти. Улар ўтган йили чавандозлик бўйича биринчи ва иккинчи ўринларни баҳам кўргандилар. Уларнинг бу йилги орзуси «Ҳосил байрами» мусобақасида совриндор бўлиш. Биз байрамга қарийб 500 кишилик коллектив билан қатнашамиз. Уларга хизмат кўрсатиш учун 80 та машина ажратилди.

Тошкентдаги химия-фармацевтика заводининг 2-филиали ишчиси Муҳтабар Абдураҳмонова корхона илғорларидан саналади. Чаққон қиз ҳар сменада 200га яқин уй аптечкаси тайёрламоқда. Суратда: М. Абдураҳмонова.
А. Тўраев фотоси.

АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Янги йўллар

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси пойтахтдаги янги қад кўтарган микрорайонларда яшаётган аҳолига транспорт хизматини яхшилаш мақсадида янги маршрутли йўлларни қуришга киришди. 10 минг аҳоли яшайдиган Қўйлиқ массивига эртувчи янги йўл 6-трамвай маршрутига қўшилади. Янги йил арафасида янги маршрут бўйлаб трамвай қатнай бошлайди. Қорақамиш ва Шимолий микрорайонларини шаҳар маркази билан бирлаштирадиган трамвай йўлларида ҳам қурилиш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВ,

«Андижон самоси»

Андижон районидаги Калинин номли колхозда ҳаваскор колхозчи ёшлардан иборат ашула ва рақс ансамбли ташкил этилди. Бу колхоз ансамблига «Андижон самоси» деб ном берилди. Колхоз санъаткорлари Ватан, партия, пахтакор, пиллакор ва чорвадорларга бағишланган ялла, хор, маном каби куй-қўшиқлардан иборат бой программа тайёрладилар. Ансамблга область театрининг бош дирежёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Муқимжон Ҳабибов раҳбарлик қилмоқда.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Ҳунарманд

Тахиатошдаги 14-қўприк қурувчи отряд мастери Виктор Рошкевич иўл касби киши сифатида обрў қозонган. Фан-техника янгиликлари ва илғор тажрибаларга амал қилган уста пайвандчи, монтажчи, слесарлик касбларининг эгаси. У, Қўнғирот—Бейнов темир йўл қурилишида, Тахтапўпир, Чимбой, Қўнғирот, Хўжайли ва Нукус шаҳри каналларига кўприк солишда ном таратди. Ундан намуна олган қурувчи тенгқурлар ҳам бир қайча касбни ўзлаштиришмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги ортди. Қурилишда эса, 20 киши ўрнига ўн киши ишлайдиган бўлди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Меҳнат шарафи

Бу йил 1-«Далварзин» совхози пахтакорлари кўп қатори юқори ҳосил кўтаришди. Айниқса механизаторлар зўр ғайрат кўрсатдилар. «Оқ олтин»нинг қарийб 90 фоизини «зангори кема» пўлат этакларидан тўкиб, хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар. Якинда уларнинг меҳнат зафарлари ифодаланган стенд-кўргазма тиклади. Хўжалик шаҳарчаси кўркигакўрк қўшган бу қурилма олисдан кўзга ташланади. Зархал ҳарфли «Меҳнатга шон-шарафлар» сўзлари диққатга тортади. Кўргазмали стенднинг тепасида доҳий В. И. Ленининг сиймоси акс эттирилган бўлиб, юқорисида беш қиррали юлдуз порлаб турибди. Икки ёнида илғорларнинг фотосуратлари жой олган. Буни устозшогирд К. Янин билан Б. Турсуновлар яратишди. Энди улар «Халқлар дўстлиги» монументини тиклашмоқчи. Бўйи 15 метрлик ўзига хос бу ҳайкал Бекобод районининг марказини безайди.

П. КАРИМОВА

Спорт. Спорт. Спорт.

ДАСТЛАБКИ БЕЛЛАШУВЛАР

ТОШКЕНТДА САМБО БЎЙИЧА СССР КУБОГИ УЧУН КУРАШ БОШЛАНДИ

Республикамиз пойтахтида спортнинг қизиқарли тури бўйича катта мусобақа бошланди. Марказий «Юбилей» спорт саройи шу кунларда муҳлиқлар билан гавжум. Ўтган куни бу ерда самбо кураши бўйича СССР кубоги учун беллашувлар старт олди.

Спортнинг самбо турига қизиқувчилар сафи йил сайин ортиб бормоқда. Самбо, айниқса, мамлакатимизда оммавий тус олган. Спортнинг бу турида грузинларнинг «чидааб», арманларнинг «кох», озарбайжонларнинг «гюлеш», молдаванларнинг «тринт» ёқутистонликларнинг «хапсаг» ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган миллий кураш қоидаларининг қўпгина жиҳатлари мужассамлашган. Шу боисдан ҳам Тошкентда ўтказилаётган катта мусобақада иттифоқчи республикаларнинг терма командалари ҳамда Москва ва Ленинград шаҳрининг самбочилари совриндорлик учун беллашгани келишган.

Мусобақа тантанали очилди. Совет Иттифоқи гимни садолари остида мусобақа байроғини жаҳон ва Европа чемпионлари ҳамда терма команда капитанлари кўтаришди.

Беллашув иштирокчилари ўрт группага бўлинган. Ташланган қурғаға кўра, биринчи группада Арманистон, Украина, Литва, Ленинград командалари куч синашсалар, иккинчи группа бўйича РСФСР, Латвия, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон коллективлари майдонга чиқадилар. Қолган командалар қўйидагича бўлинди: Тожикистон, Туркманистон, Грузия, Белоруссия — учинчи группани ташкил этса, охирги группада Озарбайжон Молдавия ва Москва терма командаси вакиллари беллашадиган бўлишди.

Кубок учун курашда Ўзбекистонликларга РСФСР команда асосий рақиблик қиладиган кўринади. Чунки мазкур коллективда энг кучли самбочилар йиғилган. Улар орасида жаҳон ва Европа чемпионлари бор. Шунинг учун ҳам дастлабки беллашувда Ўзбекистонликлар РСФСР вакилларидан 8,5:1,5 ҳисобида енгилишди. Бу учрашув ҳақида республика терма командасининг тренери Г. Калеткиннинг фикрини олдик:

— Умуман олганда кучлиларга нисбатан Ўзбекистонлик йигитлар ёмон ўйнашмади. Енгилишган бўлса ҳам самбо курашининг энг новик техник-тактик жиҳатларини намойиш қила олишди. Айниқса, бизни қувонтиргани Собир Қурбоновнинг кутилмаганда жаҳон ҳамда Европа майдонларида ғалаба қозониб келаётган спорт мастери А. Фёдоровни енгиши бўлди. Гулиашвили билан Карай учрашуви ҳам ҳаяжонли ўтди. Тенг кўчда олишган бу самбочилар очколари баҳам кўришди. Ўзбек самбочилари иккинчи учрашувни Латвия терма командаси билан ўтказиб, ажойиб ғалабага эришдилар — 7,5:2,5.

Мусобақанинг биринчи кунги учрашувларида, шунингдек, Ленинград-Литва — 7:3. Украина-Арманистон — 8:1 ҳисоблари қайд қилинди. Беллашувларда республикамиз спорт шарафини Г. Ким, Ч. Бобониёзов, И. Бадалов, Ф. Айбадулин, С. Курёзов, О. Ордиянц, Э. Худоёров сингари самбочилар ҳам ҳимоя қилмоқдалар. Мусобақалар давом этмоқда.

Ф. ИСАЕВ.

● ГИМНАСТИКА. Японияда ўтказилаётган халқаро мусобақада Ўзбекистонлик моҳир гимнастакачи, мамлакат мутлоқ чемпиони Эльвира Саади дастлабки ютуқни қўлга киритди. Мўлжалланган учта учрашувдан бирида совет спортчиси — чимкентлик Н. Ким билан тошкентлик динамочи Э. Саади биринчи ва иккинчи ўринларни баҳам кўрдилар. Мусобақада майдон эгалари билан бирга СССР, ГДР, Венгрия, Чехословакия ва АҚШ вакиллари ўзаро куч синашяптилар.

ФУТБОЛ. Европа кубокларидан УЕФА соврини учун курашаётган киевлик динамочилар ўтган куни ўз майдонида ГФРнинг «Штуттгарт» командасини қабул қилдилар. Учрашув динамочилар фойдасига 2:0 ҳисобида ҳал бўлди. Такрорий ўйин сафарда 12 декабрь куни ўтказилади.

Самарқандда республика чемпиони «Строитель» командаси билан ветеран футболчилардан тузилган коллектив ўртоқлик учрашуви ўтказди. Мухлисларни мамнун этган бу ўйинда М. Шарипов, А. Азизхўжаев, В. Суюнов, В. Кольцов, А. Иноятов, Г. Красницкий сингари номдор собиқ футболчилар майдонга тушдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида тўпларни дарвозани олисдан нишонга олиш устаси Красницкий билан чаққон ўйинчи Иноятовлар кўритишди. Умумий ҳисоб 2:2 бўлди.

● ХОККЕЙ. Бир ойлик сафарга йўл олган Тошкентнинг «Бинокор» командаси дастлабки учрашувларида, шунингдек, Ленинград-Литва — 7:3. Украина-Арманистон — 8:1 ҳисоблари қайд қилинди. Беллашувларда республикамиз спорт шарафини Г. Ким, Ч. Бобониёзов, И. Бадалов, Ф. Айбадулин, С. Курёзов, О. Ордиянц, Э. Худоёров сингари самбочилар ҳам ҳимоя қилмоқдалар. Мусобақалар давом этмоқда.

● БОКС. Мамлакат чемпионатида иштирок этган боксчиларимиз орасида фақат тошкентлик динамочи Р. Рисқиев билан фарғоналик Е. Юдинлар кумуш медаль совриндори бўлиб қайтишди.

● ҚЎЛ ТЎПИ. Тошкент жисмоний тарбия институтининг гандболчилар командаси халқаро учрашувда иккинчи фахрли ўринни эгаллади. Прагада ўтган бу мусобақада вакилларимиз Польша командасини 29:20, 28:21 ҳисобида ютиб, майдон эгалари билан ҳисобни дуранг —14:14 қилишди. Фақат такрорий учрашувда ЧССР коллективидан енгилишди.

ЖИЛОЛАНГАН СОПОЛ

Тошкент керамика заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати жиҳатидан эътиборга лойиқ. Нозик дид ва меҳр билан ишланган сопол лаган, коса, қумғон, кўза ва пиёлалар кўргазмаларда юқори баҳо олмоқда. Айниқса, бежирим вазалар, сут-қаймоқ, қандолатлар учун мўлжалланган идишлар жуда усталик билан жилоланган. Завод ҳунармандлари ишлаб чиқараётган буюмлардаги миллий безакларни ҳозирги замон руҳи билан уйғунлашганлиги таҳсинга лойиқ. Шунинг учун бўлса керак А. Аулиева, Ж. Соднков, А. Қаюмовларнинг қўлидан чиққан сопол буюмлар Польша, Венгрия, Англия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги кўргазмаларда бир неча бор намойиш қилинди. Завод ҳунармандлари яна бир диққатга сазовор янгилик кашф этдилар. Улар жонворлар, қушлар ҳақидаги эртаклар, халқ достонларининг сюжетлари асосида керамика плиталарига расм чизишни ўзлаштирдилар. Бундай моҳирлик билан ишланган керамик плиталар болалар боғчалари ва мактаб бинолари деворини безашда қўл келади. Янги маҳсулотлар шаҳарда қурилаётган биноларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

В. ВОЛОШИН.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАЧОН САДО ЧИҚАДИ?

Киров районидаги ишчилар шаҳарчаси 1928 йилда ташкил топган. Сўнгги йилларда шаҳарча анча кенгайиб, аҳолисининг сони эллик мингдан ошиб кетди.

Лекин шаҳарча аҳолиси тобора ортиб бораётганлигига қарамай бу ерда медицина хизмати кўрсатиш талаблар даражасида эмас. 21-поликлиника ва унинг Киев кўчасидаги филиалининг биноси махсус медицина муассасалари учун мос келмайди. Шунинг учун бўлса керак, бу биноларда лаборатория, электрокардиограмма, рентген хоналари етишмайди.

Тўғри, шаҳарча территориясида 21-поликлиникадан ташқари болалар амбулаторияси ҳамда 2-болалар шифохонаси мавжуд. Аммо, аҳоли сонининг ортиб бораётганлиги туфайли болалар касалхонаси торлик қиляпти.

Саккиз минг икки юз болага хизмат қилаётган 5-болалар поликлиникаси бу ердан кўчирилиб, асосий қисми Юнусобод массивига юборилди. Етти врач, ўн тўрт медицина ҳамширасига эга бўлган филиал ўнта кичик-кичик катак хоналарга жойлаштирилди. Ҳозир икки-уч врач бир хонада ўтириб, бемор болаларни қабул қилмоқда. Укол қилинадиган хона ҳам ниҳоятда тор.

Қисқаси, 5-болалар поликлиникасининг Ишчилар шаҳарчасидаги филиали ана шундай оғир шароитда ишламоқда. Ишчилар шаҳарчасида бир қанча кутубхоналар бор. Янгиариқ маҳалласининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Уста Ширин кўчасидаги кутубхонани 5-болалар поликлиникаси ихтиёрига беришни Киров район ижроия комитетидан сўралган эди. Район ижроия комитети бу ҳақли талабга негадир қулоқ солмай келяпти. Наҳотки, эллик минг аҳоли истиқомат қиладиган Ишчилар шаҳарчасида болалар поликлиникаси филиалига дўруствроқ жой топилмаса?

Бир мисол. Қудрат Ҳикмат номли кутубхона учун уч штат ажратилган. Бу ерга қачон келманг, китобхонларнинг йўқлигидан кутубхоначи мудраб ўтирганини кўрасиз. Мазкур болалар кутубхонасида бешта катта-натта хоналар банд бўлгани ҳолда 8200 болага хизмат кўрсатаётган 5-болалар поликлиникаси филиали кичик-катак хоналарга жойлашган. Поликлиника бош врачи М. Абдуллаева район соғлиқни сақлаш бўлимига ва район ижроия комитетига бир неча бор мурожаат этди. Лекин бу ташкилотлардан садо чиққанича йўқ.

Район ижроия комитети бу муҳим ишнинг моҳиятига чуқур тушуниб, коммунал хўжаликка қарашли уйлардан бирини бўшатиб, болалар поликлиникаси филиали ихтиёрига берса айни муддао бўлур эди.

Ҳ. АЛИХОНОВА,
кўп болали она.
С. ХИДОЯТОВА,
болалар врачи,
А. НАБИХЎЖАЕВ,
жамоатчи мухбир.

Тошкент чинни заводида Ўзбекистон Компартияси ва республика ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейига бағишлаб тўркум асбоб-идишлар ҳозирланмоқда. Суратда: заводнинг бош рассоми (чапдан) Б. Собиров ва рассом Е. Қорабоевлар нафис сайқалланган буюмларни нўздан кечиришмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.15 — МОСКВА. 17.15—ТОШКЕНТ. 17.20—Мультфильм. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00—Миллионлар лениниа университети (Москва) 18.30 — Созанда ва мураббий. Аҳмад Одилов. 19,15 — «АХБОРОТ». 19.30 — Шеърият муҳлисларига 19.40 — «АХБОРОТ». 20.00 — Дўстлик экрани. 21.00 — «ВАҚТ». **Уртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.00 — Тошкент чинни заводидан репортаж. 22.30 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 — МОСКВА. **Футбол:** «ДИНАМО» (Тбилиси) — «ТОТТЕНХЭМ» (Англия). 19.15 — Концерт. 20.00 — **Рам ва Шам** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.00 — ТОШКЕНТ. 21.30 — Фильм-концерт. 22.00 — Ираклий Андроников ҳикоя қилади. 23.20 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ТОШКЕНТ. Самбо кураши бўйича СССР кубоги учун мусобақалар. 20.00 — Тошкент янгиликлари 20.15 — Концерт. 20.55 — **Армон қиссаси** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/XI да **Рус кишилари**, 30/XI да **Дон Жуан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XI да **Парвона**, 30/XI да **Парвоз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/XI да **Хотинимнинг эри**, 30/XI да **Қонли тўй**.

КИНО

Қум карьери генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун), ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 20.45), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Бувисиз ўтган умр — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечкурун).

Ҳамроз (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Сайҳа — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечкурун).

Анупама — Е. ГУДОМ номли (кундуз ва кечкурун).

Эҳтиром ташрифи — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

Жавоҳир маликасига ҳужум — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00), «КЎКЧА» (кундуз ва кечкурун).

Манеж қироли — «СПУТНИК» (11.00, 12.00).

Мушук излари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Узбек Давлат филармонияси Свердлов номли концерт залида 5 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гулсара ЕҚУБОВА
Солистлар: Шариф СУЛТОНОВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Отамурод ҲОЖИЕВ, Ражаб ИСМОИЛОВ, Ойдин ЭГАМБЕРДИЕВА, Мавжуда БАХРИЕВА, Урбугул СУЕРБОЕВА, Матназар ХУДОЙНАЗАРОВ, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Бика ҲАЙИТОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қодир уста БОБОЖОНОВ.
БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ДИПЛОМАНТИ «ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
Бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз ЮСУПОВ.
Программани — Зуҳра ТЕМИРОВА олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Узбек Давлат филармонияси «БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 3 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ ижодига бағишланган
ҚАТТА КОНЦЕРТ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА, МУҲАББАТ ШАМАЕВА, ХОЛИСХОН ҚОДИРОВА, ГУЛСАРА ЕҚУБОВА;
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Шавкат МИРЗАЕВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Мавжуда БАХРИЕВА;
Телеминиатюра ва сўз устаси Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ
Ўзбек давлат филармонияси бадиий коллективлари ва бошқалар.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.
КОНЦЕРТГА 5 АБОНЕМЕНТ БЎЙИЧА КИРИШ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 14 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ҲАР КУНИ КЕЧ СОАТ 5 ЯРИМДА
«ЕШ ҚАЛБЛАР» ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ
Программа — Ўзбекистон пахтакорларининг улкан меҳнат ғалабасига бағишланади.
Билетлар сотилмоқда.

ПАРВОЗГА ҲОЗИРЛАНАЁТГАНЛАР УЧУН

ҲАВО САФАРИГА ОТЛАНАР ЭКАНСИЗ, СИЗ УНИНГ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ГАРАНТИЯЛОВЧИ АПРИМ ҚОИДАЛАРНИ БИЛМОҒИНГИЗ ШАРТ.

САМОЛЁТЛАРДА ПОРТЛОВЧИ ВА ЕНГИЛ АЛАНГАЛАНУВЧИ МОДДАЛАРИНИ ОЛИБ ЮРИШ ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ.

Граждан ҳаво кемаларининг учиш вақтидаги хавфсизлигини таъминлаш учун шу йил 19 сентябрда СССР Олий Советининг Президиуми «Ҳаво транспортида қонунга хилоф равишда портловчи ва енгил алангаланувчи моддалар, бошқа хавфли юк ва предметлар олиб юрганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Фармон чиқарди.

МАЗКУР ФАРМОНДА ҚУЙИДАГИЛАРГА ҚАРОР ҚИЛИНАДИ:

Ҳаво кемасида портловчи ёки енгил алангаланувчи моддаларни олиб юрган йўловчиларни уч йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш ёки бир йил муддатгача ахлоқ тузатиш ишларига юборишга ҳукм қилинсин, шунингдек, уларга 100 сўмгача ҳажмда жарима солиш белгилаб қўйилсин.

Агар оқибатларга олиб келган бундай ҳаракатлар уч йилдан то ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ҳаво кемасида олиб юриш ман этилган хавфли юклар ва предметларни ташиган йўловчиларга жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаган тақдирда маъмурий йўл билан 50 сўмгача ҳажмда жарима солинади.

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!

Ҳаво транспортидан фойдаланганда қўлда ёки багажда самолётларда ташиш ман этилган енгил алангаланувчи, портлаш хавфи бўлган ва бошқа моддаларни ўзингиз билан олиб юрмаслигингизни сўраймиз.

Бу қоиданинг бузилишига йўл қўймаслик учун сиз самолётга ўтириш олдидан ўзингиз билан олиб кетаётган юкларни кўрикдан ўтказишингиз лозим.

ЮКЛАРНИ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ПАРВОЗИНГИЗНИНГ ФАҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИНА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ЭСДА ТУТИНГ! СИЗНИНГ ҲАВОДАГИ ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОТРАНСПОРТ МИНИСТРЛИГИ «ТАШТРАНСАГЕНТСТВО» ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ ХИЛЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар 39-99-36 телефон номери бўйича сиз олдиндан хабар қилсангиз, самолётга билет сотиб олиб уйингизга элтиб берадилар.
77-11-16 ва 77-00-20 телефон номерлари бўйича шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга билет заказ қилишингиз мумкин.
ҚУЛАЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б — 281. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 01867.